Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918—1920 й.) «Қизил байроқ» (1920—1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й.). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 51 (21. 170) 1992 йил 12 март, пайшанба ● БАҲОСИ 1 СЎМ.

ЧИН ДИЛДАН

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ НОМИГА КЕЛГАН ТАБРИКНОМАЛАРНИ ЎҚИБ

Ўлкамиз бўйлаб хушхабар қанот қоқиб юрибти. Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси этиб қабул қилинди. Бу эса республикамиз халқи ҳаётида унутилмас тарихий воқеа бўлди.

Президентимиз И. А. Каримов номига шу муносабат билан узлуксиз қутлов ва табриклар келиб турибди. Уларда буюк тарихий воқеадан илҳомланган, ғурурга тўлган қалбларнинг акс-садоси ўз ифодасини топган.

Қўлимизда Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Жуманиёз Йўлдошев Хонқа нюҳияси меҳнаткашлари номидан йўллаган табрикнома. Унда жумладан, шундай дейилган: «Ассалому алайкум, ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул этилганлиги ҳақидаги хушхабарни эшитиб беҳад хурсанд бўлдик. БМТ қароргоҳи олдида жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг байроқлари қатори республикамиз байроғининг ҳам ҳилпираб туриши миллатимиз мустақиллигининг рамзидир.

Республикамиз ва халқимиз равнақи йўлида олиб бораётган ишингизда сизга бирдамлик ва муваффақият тилайман».

Шаҳрихон ноҳия ва шаҳар ҳокимлари З. Усмонов ва М. Қурбоновдан келган табрикномада эса шундай сатрларни ўқиймиз: «Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, сизни севимли Ўзбекистонимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлганлиги билан чин дилдан қутлаймиз. Бу республикамиз мустақиллиги йўлида қатъият билан олиб бораётган меҳнатингиз мевасидир».

Самарқанд вилояти Пахтачи ноҳияси ҳокими А. Қаландаров, Андижон вилояти Асака ноҳияси ҳокими Н. Мамажонов, Қорақалпоғистон Республикаси Кегайли ноҳия Кенгашининг раиси Б. Бекниёзов, фарғоналик М. Шерғозиев, Асака шаҳар давлат суғуртаси ходимлари номидан О. Каримов, Тошкентдаги Гудвил трейдинг интернэшнл Лтд компанияси жамоаси, республика матбаачилари номидан Ўзбекистон матбуот комитетининг раиси Р. Шоғуломов, ёзувчилар Ёқубжон Шукуров, Нурали Қобул ва бошқалар ҳам И. А. Каримов номига йўллаган табрикномаларида уни республикамизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул қилинганлиги муносабати билан чин юракдан муборакбод этганлар. Унга сиҳат-саломатлик ҳамда ватан ва миллат истиқлоли, равнақи ва истиқболи йўлида, Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсида ўз муносиб ўрнини эгаллаши учун олиб бораётган қийин, аммо шарафли ишларида янгидан-янги муваффақиятлар тилаганлар.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

Ленин йўли районидаги Ленин номли давлат хўжалиги механизаторлари озуқа лавлагисини экишга киришдилар. Бу экин 40 гектар майдонга жойлаштирилади. Мўлжал ҳар гектар ердан 400 центнердан ҳосил олиш. Техника мавсумга шайлиги туфайли экиш ишлари кўнгилдагидай бормоқда.

Суратда: (чапдан ўнгга) хўжалик ҳосилоти Тўра Тўхтамишев, механизатор Алламурод Шукуров ва сеялкачи Исо Ҳасанов.

И. ХУЖАЕВ олган сурат (ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ КУНДУЗГИ БЎЛИМЛАРИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ёшларни республика олий ўқув юртларида ўқишга танлашда ягона давлат сиёсатини ўтказиш, жамиятнинг интеллектуал қувватини ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш ҳамда ижтимоий адолат қоидаларини рўёбга чиқариш мақсадида, шунингдек, жамоатчиликнинг истакларини эътиборга олиб:

1. Белгилаб қўйилсинки, 1992—93 ўқув йилидан бошлаб тажриба тариқасида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига қарашли педагогика институтларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига қарашли университетлар тегишли соҳа (ўқитувчи кадрлар тайёрлаш билан банд бўлган) факультетларининг кундузги бўлимларига мазкур фаолият турига мойил бўлган мактаб ўқувчилари ҳамда бошқа тоифадаги ёшлардан иборат абитурентларни синаб кўриш асосида кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

2. Ўзбекистон Республикасининг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги, Алоқа вазирлиги мазкур тажрибани Тошкент давлат техника университетида, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида, Тошкент автомобиль-йўл институтида, Фарғона давлат университетида, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институтида, Тошкент электр техника алоқа институтида ўтказсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси:

— 10 кун муддат ичида ушбу Фармонни рўёбга чиқаришга оид ташкилий чора-тадбирларни кўзда тутувчи тегишли қарор қабул қилсин;

— бир ой муддат ичида Фармоннинг 1 ва 2-бандларида кўрсатилган республика олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларига абитурентларни танлаш ва қабул қилиш республика марказини ташкил этсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 11 март.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎРТОҚ П. Қ. НУЪМОНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНТАЖ ВА МАХСУС ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Пўлат Қодирович Нўъмонов Ўзбекистон Республикаси монтаж ва махсус қурилиш ишлари вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 11 март.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎРТОҚ А. Н. ИСАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНТАЖ ВА МАХСУС ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ ВАЗИРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Анатолий Нигматович Исаев Ўзбекистон Республикаси монтаж ва махсус қурилиш ишлари вазири вазифасидан бошқа ишга ўтганлиги сабабли озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 11 март.

ПУЛ, ИҚТИСОД, КЕЛАЖАК...

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида республика Бош вазири А. Муталов билан Ўзбекистон Фанлар академиясининг иқтисодчи олимлари, олий ўқув юртларининг иқтисодчи мутахассислари, мустақил иқтисодчилар гуруҳи ҳамда «Эрк» партияси, «Бирлик» халқ ҳаракати, жамоатчилик вакиллари иштирокида Ўзбекистон Республикасининг миллий валюта концепцияси ҳақида мутахассислар жамоасининг фикрларини умумлаштириб, тегишли тадбирлар ишлаб чиқиш масаласига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Собиқ СССР таркибида қолган республикаларга «мерос» қолган катта иқтисодий буҳрондан, кундан кунга қадрсизланиб бораётган «рубль»нинг исканжасидан, қимматчилик асоратларидан аҳолини эсон-омон олиб чиқиш чора-тадбирларини эндиликда мустақилликка эришган жумҳуриятларнинг ўзлари белгилашлари лозимлигини ҳаёт тақозо этмоқда. Шу сабабли ҳам республика ҳукумати олдида миллий валюта концепцияси масаласи кўндаланг бўлиб турибди.

Республика Бош вазири А. Муталов йиғилганларга шу ҳақда гапириб, вақтинчалик чора сифатида жорий этилган купонлар маълум даражада ўз вазифасини ўтаётганини таъкидлади.

Йиғилиш иштирокчилари бу хусусда турли фикрларни олға сурдилар. Аксарият иқтисодчилар бугунги кунда қадрини йўқотиб қўйган «рубль»га таяниб бўлмаслигини таъкидласалар, бошқалари Ўрта Осиё республикаларининг ягона пул бирлигини жорий қилиш керак деган таклифни илгари сурдилар. Яна бир гуруҳ мутахассислар бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида «рубль»нинг сўнгги имкониятларидан фойдаланиб туришни ва йўл-йўлакай ўз пулимизнинг таркиби ҳақидаги фикрларни умумлаштира боришни маслаҳат бердилар.

Кўриниб турибдики, пулни тартибга солиш масаласи осонлик билан ҳал бўладиган иш эмас экан. Бу борада ҳамдўстлик республикалари тажрибалари асосида мазкур масалаларни чуқур ўрганиш мақсадида таклиф ва мулоҳазаларни тўплаш, ўрганиш ва ҳукуматга таклиф киритиш учун беш тоифадан иборат махсус гуруҳ тузилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Б. Ҳамидов, Э. Самандаров иштирок этдилар.

Ў. МИРЗАЕРОВ,
ЎзА мухбири.

14 МАРТ—УМУМХАЛҚ ХАЙРИЯ ҲАШАРИ

ШУ КУНИ ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚЛАРНИ ОБОДОНЛАШТИРИШ, ҚУҚАЛАМЗОРЛАШТИРИШ, ҚУЧАТ ЎТҚАЗИШ, БОҒЛАР ЯРАТИШ, ҚАБРИСТОНЛАРНИ САРИШТАЛАШ ИШЛАРИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР БЕРАЙЛИК.

УМУМХАЛҚ ҲАШАРИДАН ЙИҒИЛГАН ВА ИШЛАБ ТОПИЛГАН МАБЛАҒЛАР «НАВРЎЗ» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИГА ТОПШИРИЛАДИ

ТОШКЕНТ ТАРАДДУДИ

Бодом... ўрик гуллади. Серқуёш диёримиз жанубий масканларида табиат шўх уйғонди, чиройини очган дов-дарахтлар яшиллик либоси билан безанмоқда, Наботат олами киприк қоқиши билан Наврўз айёмига одамларни шайлантирмоқда. Буни муаззам Тошкентда ҳам бораётган талай юмушлардан билиш мумкин.

Пойтахт аҳолиси бу сафар ҳам қутлуғ айёмни кўтаринки руҳда нишонлашга бел боғлаган. Чунки у мустақиллик қўлга киритилган биринчи йилда чинақам миллий анъанага шайланмоқда.

Шаҳар ҳокимиятида куни кеча бўлган йиғилишда бу байрам умумий манзарасининг хомаки чизгилари пишиқтирилди. Халқлар дўстлиги саройи майдони ва Алишер Навоий ҳайкали ҳудудидаги миллий боғ бу байрамнинг катта саҳналаридан бирига айланади.

Файзли ва бағри кенг майдонлар узра Наврўз тароватини кун бўйи кўз-кўз этади. Байрам номасини истеъдодли адибларимиз Ўлмас Умарбеков ва Жуманиёз Жабборовлар ижод қилишган.

Наврўз байрами қўш-қўш супаларда файз, тароват бахш этиб ўтирган нуроний отахонлар даврасида Қуръони каримнинг оятларидан тиловат қилиш билан бошланади. Кейин эса шаҳар рамзий дарвозаларидан ноҳияларнинг аҳолиси вакиллари халқимизнинг миллий урф-одатлари ва касб-корларини намойиш қилиб кириб келадилар. Шундан кейин бўладиган томошаларда икки мингга яқин раққосанинг қатнашуви мўлжалланмоқда.

Наврўз айёми арафасида шаҳарда катта орасталик ва кўкаламзорлаштириш юмушлари бажарилади. 14 март куни бўладиган ҳашарда 1 миллион 300 минг кишининг қатнашуви мўлжалланмоқда. Шундан 400 минг киши иш жойларида меҳнат қилиб маҳсулот тайёрлаш билан банд бўлади. Меҳнат қилиб топилган 1,5 миллион сўм Наврўз жамғармасига ўтказилади. 12 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. 80 километр узунликда ариқлар ғозаланади. 120 гектар умумий майдонлар, 45 гектар гулзорлар ораста этилади.

Наврўз арафасида хорижий эллардан олинаётган саховат ёрдами ҳамда озиқ-овқатлар ночор оилаларга, етим болаларга тарқатилади. Биргина Туркия Республикасидан 2 минг тоннадан зиёд бундай саховат ноз-неъмати олинди. Улар республика бўйлаб мўлжалдаги эгаларига тарқатилади.

Йиғилишда Тошкентнинг Наврўз байрамини файзли ва тартибли ўтказиш юзасидан айтилган таклиф ва фикрлар инобатга олинди. Йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков, ҳоким ўринбосарлари К. Расулов, Ю. Асепков, соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлиғи Қ. Ризаев, байрам томошалари режиссёри А. Раҳимов, этнограф олим Б. Аминов ва бошқалар мустақилликнинг дастлабки йилида нишонланадиган Наврўзни ҳар томонлама пухта тайёргарлик билан ўтказиш лозимлиги ва бу байрамнинг шодиёналари ҳар бир жамоа, ҳар бир хонадон, ҳар бир қалбга етиб бориши ҳақида гапирдилар.

А. ПУЛАТОВ.

ЎЗБЕКИСТОН — ШИМОЛИЙ АТЛАНТИКА ҲАМКОРЛИГИ КЕНГАШИНИНГ АЪЗОСИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги вакилининг хабар қилишича, Шимолий Атлантика ҳамкорлиги кенгашининг Брюсселда бўлиб ўтган фавқулодда мажлисида 10 март куни Ўзбекистон Республикаси шу кенгашнинг аъзоси этиб қабул қилинди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси билан Бельгия қироллиги ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатиш тўғрисидаги шартнома имзоланди.

• «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИ ЁРДАМ ЖАМҒАРМАСИГА

МУРУВВАТ

Мен 32 йилдан бери «Ўзбекистон овози»га обунаман. Шу давр мобайнида рўзномадан кўп нарса ўргандим. Унинг саҳифаларида босилган турли-туман мақолалар менинг учун ҳаёт дарслиги бўлиб хизмат қилди. Оддий деҳқондан йирик бир район раҳбари даражасига кўтарилишимда отадек доно масалаҳатчи, йўлчи юлдуз бўлган рўзномадан, унинг ижодкорларидан бир умр миннатдорман.

Яқинда рўзномани кўздан кечираётиб ундаги мурожаатни ўқиб қолдим. Очиғи жуда ҳаяжонланиб кетдим. Ҳозирги иқтисодий танглик рўзноманинг бир меъёрда чиқишига ҳалақит бераётгани ташвишга солди. Наҳотки одамларга маънавий озиқ берувчи, йўл кўрсатувчи, зиё тарқатувчи ақл шамчироғини ўчириб қўйсак. Йўқ, бунга асло йўл қўйиб бўлмайди!

Мен оила аъзоларим билан маслаҳатлашдим. Фикримиз бир жойдан чиқди. Доимо бизга тўғри йўл кўрсатган севимли рўзномамизга оила жамғармасидан 7 минг сўм ўтказишга қарор бердик.

Тўғри, бизнинг берган бу маблағимиз дарёдан томчидек. Аммо томчилардан ирмоқлар, ирмоқлардан дарёлар ҳосил бўлганидек, мурувватли инсонларнинг ёрдамлари ўз кучини кўрсатади. Саховатпешалар ҳиммати билан рўзнома ўқувчилари севимли нашрларини мунтазам олиб турадилар, деб ишонч билдираман.

Олимбой ПРИМОВ,
Иқтисод фанлари номзоди, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган мухандис.

ЖАМОА МАДАДИ

Боёвут районида Ленин номли жамоа хўжалиги бор. Илгари у кичик, ночор хўжаликлар тимсоли эди. Лекин уч-тўрт йилдирки, ер-суви жиҳатидан ончалар катта бўлмаган бу хўжалик тилга тушиб қолди.

Жамоа аъзолари ўтган йили гектар бошига 30 центнердан ошириб хирмон кўтардилар, тадбиркорлик билан иш юритиш туфайли фақат пахтачиликнинг ўзидан 3,5 миллион сўм соф фойда олинди. Бу чеғара эмас. Нега десангиз, хўжалик режадаги ҳосилнинг беш фоизи ва режадан ортиғини ўз ихтиёрига қолдириш ҳақидаги Президентимиз Фармонидан фойдаланиб, 133 тонна тола жамғариб қўйган. Иқтисодий танглик ҳукм сураётган ҳозирги пайтда бу тола вақти келиб ўз бозорини топади ва деҳқонларга мадад бўлади.

Хўжалик биргина пахтачиликка кўз тикиб ўтирмаган йўқ. Масалан, ўтган йили давлатга гўшт, сут, тухум, сабзавот ва полиз, мева сотиш бўйича белгиланган режаларнинг ҳаммаси ортиғи билан адо этилди. Чорвачилик фермаси сердаромад соҳага айлантирилган. Хотин-қизларни иш билан таъминлашга хизмат қилаётган полос ишлаб чиқариш цехи ҳам тилга тушиб қолди. Ҳозир у ҳам хўжаликка дурустгина фойда келтирмоқда.

Шунингдек, 1,5 минг тонна мева, сабзавот сақлайдиган совутгичли омборхона қурилмоқда, саккиз гектарлик кўчатчилик хўжалиги иш бошлади. Патгилам тўқийдиган цех қурилмоқда. Қўйинг-чи, бу ерда қилинаётган ва режалаштирилаётган ишларнинг барини санаб адо қилиш қийин.

Шу ўринда кўп йиллар ҳалол ишлаб энди фаҳрий деҳқонларга айланиб қолган Тошпўлат Шокиров, Раимберди Жўраев, бригада бошлиқлари Раим Эгамов, Қурбон Носиров, Мухтор Ҳайдаров, моҳир механизаторлардан Мухтор Канишев, Ҳайдар Омонов, Шавкат Ашуров, сут соғувчи Ҳикоят Мавлонова, тажрибали молбоқар Ўринбой Омонов каби жамоа жонкуярларини кўпчилик танийди ва ҳурматлайди.

Яхши ишлагандан кейин одамлар яхши даромад олишлари ва яхши яшашлари керак. Хўжалик раҳбарларининг фикр-ёди ана шунда! Ўтган йили жамоа аъзоларининг ўртача ойлик маошлари 5 минг 811 сўмга тўғри келганидан сўнг, у ёғини ўзингиз тушуниб олаверинг.

Ўтган йили обуна пайтида мазкур жамоа хўжалигининг барча аъзолари, яъни 650 киши «Ўзбекистон овози» рўзномасига хўжалик ҳисобидан обуна қилингани ҳақида газетамизда эълон қилинган эди. Бу йил эса жамоа бошқаруви, унинг тадбиркор раиси Султон Раҳмонқулов яна бир ҳиммат кўрсатди. Жумҳуриятимиз матбуоти оғир иқтисодий тангликдалигини ҳисобга олиб, **Ленин номли жамоа раҳбарияти «Ўзбекистон овози» рўзномаси ёрдам жамғармасига 50 минг сўм пул ўтказишга қарор қилдилар.**

Фурсат келиб, бу ажойиб жамоанинг инсонпарвар раҳбарлари, ХДП аъзолари — меҳнаткаш, маърифатга интилувчи одамлари, уларнинг ажойиб ишлари ҳақида бафурҳа гап юритармиз. Ҳозирча эса шуни айтмоқчимизки, ҳақиқатан ҳам дўстлар оғир кунда билинар экан!

А. УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

11 март куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят кенгашининг навбатдан ташқари пленуми бўлиб ўтди. Э. М. Рўзиев Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат назорати Тошкент вилоят бошқармасининг бошлиғи этиб тайинланганлиги муносабати билан Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши биринчи котиби вазифасидан озод қилинди.

Ҳозирга қадар иккинчи котиб бўлиб ишлаб келган Ў. Т. Турғунов бир овоздан Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгашининг биринчи котиби қилиб сайланди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов қатнашди ва нутқ сўзлади.

Пленум ишида Тошкент вилоят ҳокими С. Д. Сайдалиев иштирок этди.

• ХДПнинг сиёсий ўқишлари

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР: УЛАРНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ФАОЛИЯТ ВОСИТАСИ

IV. КЎППАРТИЯЛИЛИК ВА САЙЛОВЧИЛАРНИ ЭРГАШТИРИШ УЧУН КУРАШ

Партияларнинг парламентдаги ва парламентдан ташқари фаолиятидаги сиёсий тактикасида қонун чиқарувчи олий органга муддатидан олдин ўтказиладиган сайловчилар учун қулай имконият яратадиган, сайловчиларнинг ижобий муносабати кескин ўзгармай турган пайтни ўз вақтида белгилаш муҳимдир. Бошқа шароитда эса парламент бўлажак ислоҳотлар даврида барқарор ишлаши керак. Агар ислоҳотлар ўзининг ижобий натижаларини намоён қилишга улгуролмаса, Олий Кенгаш ва маҳаллий Кенгашларга муддат тугаши муносабати билан сайловларни ўтказишга тўғри келса, сайловчилар кайфияти қандай бўлишини олдиндан тахминлаш қийин эмас.

Президент, сиёсий партиялар ва партиясиз омма ўртасида кучларнинг қандай жойлашиши имкониятларини олдиндан тахминлаш учун сайловчиларнинг президент учун берган овозлари ўз-ўзидан президент суянадиган партияга ўтади, дейиш нотўғри бўлиб чиқиши мумкинлигини тушуниш муҳимдир. АҚШда икки партия ёки номзодлар ўртасидаги ҳокимият учун курашда кўпинча учинчи даъвогар ўзига хос марказчи (центрист) пайдо бўлади. У аввалги пешволардан овозларни тортиб олади. Чунки, у омма учун мақбулроқ платформани олға суришни билади. Илгариги пешволар ўртасида туб муаммоларни ҳал қилишга муносабатларда принципиал фарқ сезилмаса кўпинча шундай бўлади. Фуқаролар рақобатчиликдан, бу рақобатчилик давлатга ўнглаб бўлмас зарар келтирадиган бўлса, жуда чарчайдилар. Ҳозирги замон тарихида бунга мисоллар жуда кўп.

Ўзбекистон тараққиётига таъсир этишга рақобатчилик қилишда «учинчи» сиёсий кучнинг кўплаб хил усуллари йўқ. Биринчидан, бу капиталлаштириш (бунда нарх-навонинг ўсиши асосий йўл эмас) ва чет эл сармояларини оммавий равишда жалб этиш орқали бозор иқтисодиётига ёриб ўтишга тайёр турган раҳбар бошчилик қилувчи янги партия бўлиши мумкин. Аҳоли руҳияти ҳисобга олинса, агар оппозициянинг янги раҳбари давлатни бошқаришда салмоқли тажрибага эга бўлса, жуда катта кучларнинг мададига таянса, муваффақият таъминланади.

Иккинчидан, «учинчи» сиёсий куч ҳозир «ҳомила» шаклида, омманинг сиёсий онгида мавжуд. Бироқ, омма унинг ҳали нима эканлигини яхши ҳис қилаётгани йўқ. Бу — одамлар билан бевосита алоқада туриб, сиёсий курашда қатнашаётган ёки сиёсий курашга отланаётган исломлаштирилган ҳамда тўғридан-тўғри ислом гуруҳларидир. Уларнинг раҳбарлари ҳаёт тарзи ва меҳнатлари европалаштирилган оддий халқдан узилиб қолмаган. Улар катта сиёсат ва унинг ижтимоий ҳимоя қилинмаган табақага оид хатолари билан кам боғланганлар. Улар ваъда беришга ботир, бозор иқтисодиёти қийинчиликлари устида бош қотирмай, чиройли гаплар билан оддий одамларни маҳлиё қилмоқчи бўладилар.

Қолган барча партиялар ва жамоат ҳаракатлари, партиясиз ва русийзабон аҳоли ислом сиёсий кучларининг тобора кучайиб бораётган мавқеини ҳисобга олишга мажбурдир. Бозорга ўтишдаги танглик қийинчиликлари пайтида бу гуруҳларнинг имкониятлари кўпайиши мумкин. Бу имкониятлар дастлаб ҳокимиятнинг маҳаллий органларига сайловлар пайтида намоён бўлади. Гап шундаки, депутатлар сони ҳар хил бўлиб, номзодларни кўрсатиш ва уларни тарғиб этишни назорат қилиш жудаям мураккаб. Сиёсий партияларнинг, оқиғи, эътиқодли, фидойи фаоллари етарли эмас. Ислом жамоаларида эса бундай фаоллар ошиб-тошиб ётибди.

Эрон муллаларининг мафкурасига берилган партиялар ва кучлар ҳокимиятга чиқишга амалий тарзда уринадиган бўлишса, жамиятда тараққиёт юз беришига ишониш қийин. Бунинг қонунийлигини кейинги 15—20 йил ичида Эрон билан Туркиядаги ривожланиш суръатларини, иқтисодий кўрсаткичларни таққослаш натижалари яққол намойиш этмоқда. Аввалига Эрон олдинда борди. Эндиликда Туркиянинг Яқин Шарқдаги иқтисодий пешқадамлиги тобора кучаймоқда.

Бу ўринда Камол Отатуркнинг жамиятни тарихан унга берган куч билан тарбиялаш тўғрисидаги мулоҳазаларини эслаб ўтиш жоиздир. Туркияда илғор фикрли ва маърифатли зиёлилар, собиқ Усмонийлар империясининг либерал кайфиятдаги йирик ва ўртача ватанпарвар амалдорлар; йирик ва ўрта буржуазиянинг унча катта бўлмаган савдогарлар ва молиячилардан иборат қатлами; капиталистик хўжалик юритишни истовчи заминдорлар ана шундай кучлар бўлди. Табиийки, янги тузум ўшанда кам сонли зиёлиларга суянди. Антанта босқинига қарши миллий-озодлик уруши халқни давлатни қутқаришга қодир раҳбар атрофида жипслаштирди. Турклар давлати ғояси (туркларнинг ислом халифалиги эмас) Отатурк ва унинг атрофидагилар томонидан уларни қўллаб-қувватловчи барча қатламлар ва халқ оммаси онгига зўр бериб сингдириб борилди. Бу йўлда яхши маълумки, кўпдан-кўп зиддиятларга йўл қўйилди. Фақат ишчилар партиясигина эмас, тўлақонли либерал-буржуа партиялари ҳам таъқиқланди. Ҳарбийлар ҳокимиятни бошқаришди, маҳаллий шароитдаги национал-фашизм билан қоришиб кетган ислом фундаментализми яққол хавф солган пайтлар бўлди. Лекин мамлакат тақдирини нима ҳал қилди? Аҳоли бообрў қатламлари жамият тараққиёти манфаатлари йўлида жипслашиш зарурияти ни аста-секинлик билан бўлсада тушуниб етдилар. Ана шундагина Турғут Ўзол эндиликда самарали натижалар бераётган ўз режаларини ишга солишга эришди.

Ўзида барча илғор нарсаларни қамраб олган ва халқ ривожи талаб-эҳтиёжларига жавоб берувчи жаҳон маърифатли дунёсида тараққиётга олиб борадиган йўлга қадам қўйишнинг тарихий масъулиятини Ўзбекистоннинг барча раҳбарлари ва халқнинг энг яхши намоёндалари ҳали тўлатўкис англаб етганлари йўқ. Халқ оммаси уни ундан ҳам камроқ ҳис этяпти. Ҳозирги пайтда ўзбекларнинг ёш давлатчилиги ҳозирги дунёда—ислом ва ноислом дунёсида эндигина атакчечак қиляпти. Унга мустаҳкам барқарорлик зарур. Барқарорликсиз ҳорижий сармояларнинг кириб келишига ҳам, деҳқонларнинг хотиржам меҳнат қилишларига ҳам, иқтисодиётни монополиялардан халос этишга ҳам, моллар билан таъминлаш аста-секин ўсишига ҳам имконият яратилмайди.

Ўзбекистонда қандай куч барқароликни таъминлайди? Бизда нималар йўқлигини биламиз. Хўш, бизда нима бор? Анчагина малакали республика давлат аппаратига эгамиз. У, агар маҳорат билан бошқарилса, маданиятли-маърифатли воситага айланади. Бизда миллатнинг ўзига хос ақли—илмий, техникавий ва бадиий зиёлиларимиз бор. Биз хўжалик етакчиларининг кучли корпусига эгамиз. Улар алғов-далғов вазият ва сиёсий муштлашишлар билан асло чиқишолмайдилар. Кўп миллатли малакали ишчилар синфи ҳали ўзини сиёсатда кўрсатгани йўқ. Деҳқонлар ҳам барқарорликдан катта манфаатдордирлар.

Бизга умумхалқ томонидан сайланган Президентни онгли равишда қўллаб-қувватлаш керак. Бу мадад маърифатли дунёнинг барча талабларига жавоб бериши лозим. Унда ижтимоий кучларнинг барча хусусиятларини ўзида ифодаловчи Президентга бериладиган маслаҳатларга ҳам ўрин бўлиши лозим. Шундай мададни таъминлашда бутун давлат аппарати ишини, биринчи навбатда, Президент ёнида бевосита ишловчи кишилар фаолияти даражасини бир неча марта ошириш муҳимдир. Визда жаҳон андозаларига яқинлашувчи кадрлар, афсўски, жуда кам. Шу боис, назаримизда, жамоатчилик маслаҳатлари ва ошкораликни кучайтириш учун кенг миқёсда чора-тадбирлар кўриш даркор.

Масалан, АҚШда конгресс палаталарида олий мансабдор шахслар, жумладан, вазирлар, маҳкамалар раислари ва уларнинг ўринбосарлари номзодларини келишиб олувчи комиссиялар ва кичик комиссиялар бор. Ундан ибрат олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашида олий ва юқори даражадаги кадрларга баҳо бериш ваколатига эга комиссиялар тузиш мумкин. Буюк Британияда ҳукмрон партия умумпалата аъзолари ҳисобидан парламентнинг комитетлари ва комиссиялари билан, сайловчилар билан ҳамжиҳатликда ишловчи вазирлар нинг парламент ўринбосарларига эга.

Асосий лавозимларга кадрларни тавсия этиш муҳим дастакдир. Бу ўринда хилма-хил йўллар бор. АҚШда Президент партияси Миллий Кенгаши томонидан Президентга норасмий равишда тавсиянома берилади. Уни ушбу муаммо юзасидан тузилган норасмий экспертлар гуруҳи тайёрлайди. Тайванда Гоминдан Сиёсий ижроия комитети Президентга олий лавозимларга одам тайинлашда маслаҳатларини расмий равишда тақдим этади. Япония либерал-демократик партиясида Бош вазирнинг ўз партияси раҳбарлари ва фракцияларнинг бошлиқлари билан маслаҳатлашиши қоида тусига киритилган. Бироқ ташаббус барибир партиядан чиқади.

Аҳоли кундалик онги савияси даражасини ҳам ҳисобга олиш керак. Уларнинг кўпчилиги ҳали парламент мунозаралари билан унчалик қизиқмайди. Одамларга уларнинг талаб-эҳтиёжларини қондирувчи аниқ-равшан ишлар зарур. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг кам таъминланган фуқаролар, фахрийлар, нафақахўрлар, кўп болали оилаларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларига тушган илтимосларини қондиришда уларни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун барча даражаларда тузган депутатлик қабулхоналари жуда яқин вақт ичида ўзини кўрсатиши керак.

Халқ истеъмоли моллари нархларининг эркинлаштирилиши муносабати билан ХДП кенгашлари ва ташкилотлари учун уруш ва меҳнат фахрийларига, камбағал нафақахўрларга, ёлғиз оналарга, кам таъминланган кўп болали оилаларга ўзаро ёрдам берувчи халқ жамғармаларини тузиш ташаббуси билан чиқиш фойдали бўлур эди. Бундай жамғармаларга корхоналар, хўжаликлар, ишбилармонлар пул (партия пули эмас) ўтказишлари мумкин. Халқ ноиблари ва ҳурматли оқсоқоллардан иборат ишчи гуруҳлари тўпланган маблағларни қандай сарфлашни ҳал қилади.

Эртами-кечми, жиддий сиёсий синов бўлади. Олий Кенгашдан тортиб, жойлардаги Кенгашларгача—ҳамма ваколатли ҳокимият органлари тўла-тўкис янгиланади. Республикада ҳаммаёқда вилоятлар, шаҳарлар, районлар ҳокимларини тасдиқлаш тугалланяпти. ХДП Сиёсий Ижроия Қўмитаси ва кенгашларнинг ижроия бюролари томонидан ана шу лавозимга резервларни кўрсатиш муаммоси, бир томондан, кўппартиялилик билан, иккинчидан, ўтмишда кадрлар сиёсатини юргазишда ҳамма вақт ҳам холисона иш тутилмаганлиги билан мураккаблашди. Бу ўринда очиқлик, муқобилликсиз иш олиб бориб бўлмайди. Барча даражаларда малакали кадрлар корпусини муваффақиятли шакллантириш учун кенг фаоллар доираси, партия аъзолари, хайрихоҳ партиясизлар керак. Бу — мураккаб, кўп қиррали муаммодирки, у анчагина куч-ғайрат сарфлашни талаб қилади.

Бир нарса аниқ. Биз эркин, демократик, ҳуқуқий Ўзбекистон давлатини яратишга эндигина киришяпмиз. Бизнинг бутун келажагимиз ушбу вазифани нақадар яхши бажаришимизга боғлиқдир. Президентнинг, парламентнинг, сиёсий партия ва ҳаракатларнинг ўзаро келишиб олинган ягона йўл ва ҳатти-ҳаракатларигина — муваффақият омили бўлади.

Ш. ШОИСЛОМОВ,
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг парламент ишлари ва партиялараро алоқалар бўлими мудири.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши комитетида

10 март куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши агросаноат комплекси ва сув хўжалиги комитетининг навбатдаги мажлиси бўлди. Уни комитет раиси Ш. Мирзаев олиб борди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон (фермер) хўжалиги тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси муҳокама қилинди. Сўзга чиққанлар ушбу қонун Ўзбекистон ҳудудида деҳқон (фермер) хўжаликларини ташкил этиш ва улар фаолият кўрсатишининг ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асосларини белгилашини таъкидладилар. Бу хўжаликлар озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ва халқ истеъмоли моллари чиқаришни кўпайтиришга хизмат қилиши зарур. Шунинг учун ҳам улар хўжалик юритишнинг бошқа шакллари билан тенг ҳуқуқли равишда ривожланиши лозим.

Қонун лойиҳасининг кўпгина модда ва бандларига доир фикр ва мулоҳазалар айтилди. Ҳужжат ана шу таклиф ва қўшимчалар билан тўлдирилгандан кейин Олий Кенгашнинг навбатдаги сессияси муҳокамасига тақдим этилади.

Мажлисда «Республикада хизмат кўрсатган қорақўлчи» фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Бу масалани Олий Кенгаш Раёсатига, сўнгра эса Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдаги сессияси муҳокамасига киритишга қарор қилинди.

Шундан кейин Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида»ги кодексига баъзи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ва Ўзбекистон Республикасининг «Ветеринария тўғрисида»ги қонунлари лойиҳалари муҳокама этилди, шунингдек «Ўзптицепром» иши тўғрисидаги ҳамда комитетнинг фаолиятига доир бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. **(ЎзА).**

• Фан ишлаб чиқаришга

ДЕҲҚОНГА МУКАММАЛ МАШИНА

Мустақил республикамиз баҳори бу йил деҳқонларга катта масъулият юклармоқда. Ҳадемай ерга чиқиш тушади. Етиштириладиган ҳосилга ҳозирнинг ўзиданоқ пухта тайёргарлик кўриш лозим бўлади. Бунинг учун пахтани дефолиациясиз ёки дефолиация қилиб териб олишнинг илмий асосланган технологиясини жорий этиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Ҳ. Усмонхўжаев раҳбарлигида бу борада олиб борилаётган тадқиқот ва амалий ишлар яхши натижа беряпти. Пахтани машинада теришни чамалаш формуласи кейинги йилларда қўлланилган муҳим одимдир. Бунинг учун, аввало, такомиллаштирилган ва мавсум арафасида қатъий техник кўрикдан ўтган машина бўлиши керак. Иккинчидан эса, иш унумдорлигини ошириш талаб этилади. Бу ҳайдовчининг маҳорати ва кайфиятига боғлиқ. Қолаверса, машина теримига мўлжалланган майдонларнинг ғўза барглари етарли даражада тўкилган бўлиши керак.

— Машинанинг ҳақиқий иш унумини билиш учун унинг технологик унумдорлиги ҳақидаги тушунчага эга бўлиш лозим, — дейди академик Ҳ. Усмонхўжаев. — Бу унумдорлик даланинг асосий параметрлари бўлган ҳосилдорлик, машина шпиндели очилган пахтанинг неча фоизини териб олиш қобилияти ва қўсакларнинг барқарор очилиши даражасига боғлиқ. Фикримизни мисоллар билан далиллайлик. ХНП — 1,8 маркали икки қаторли пахта териш машинаси ғўза қатор оралари 90 сантиметр бўлган пайкалда соатига 3,6 километр тезликда ҳаракатланса, унинг фойдали иш коэффициенти 0,5 фоизга тенг бўлса, бир соатда 0,324 гектар майдонни босиб ўтади. Борди-ю, пайкал ҳосилдорлиги ўттиз центнерга тенг, кўсаклар 80 фоиз очилган бўлса, шпинделлар очилган пахтанинг 90 фоизини тера олса, машинанинг иш унумдорлиги соатига 690 килограммга, ўн соатда 6,9 тоннага тўғри келади. Худди шундай холатда 14 ХВ — 2,4 маркали тўрт қаторли машина билан ўн соат ичида 9,3 тонна пахта териш мумкин. Агар машина теримидан олдин унинг бутун параметрлари аниқланиб, ҳисоб-китоб қилиниб, иш илмий асосда ташкил этилса, ҳам сурьат, ҳам сифат, ҳам миқдор жиҳатидан ютилади. Бу энг муҳим масала. Унинг замирида бир-бирига боғлиқ уч катта соҳа — фан, техника ва технологиянинг самарали натижалари ётади.

Биз шу тажрибани Самарқанд вилояти Нарпай районининг бир неча хўжаликларида синаб кўрдик. Район раҳбарлари бизнинг пахта йиғим-теримини қисқа муддатда узоғи билан 15 иш кунида амалга ошиши ҳақидаги таклифимизни қўллаб-қувватладилар. Тажриба учун бошқа хўжаликларга нисбатан қўл кучи кам бўлган Ислом шоир номли давлат хўжалиги танлаб олинди.

Бобошер Мирзаев раҳбарлик қилаётган бригаданинг 88 гектар майдонига «Қирғиз — 3» нави экилган, ҳар гектар майдондан 25,3 центнердан ҳосил олишга аҳд қилинган эди. Бунинг учун 223 тонна пахта териб олиш зарур. Биз бу ҳосилни академик Ҳ. Усмонхўжаевнинг пахта териш машиналарининг ҳақиқий иш унумдорлигини аниқлаш услубий формуласига қўйиб, 12 иш кунида режани уддалаш мумкинлигини айтдик. Бундан бригада аъзолари руҳланиб, тажрибамизга рози бўлдилар.

Яна шуни айтиб ўтиш керак. Олимлар тажрибасиз бригада аъзолари ўзлари ҳосилни йиғиб-териб олгудай бўлишса яқин 3—4 ой, яхлит металлдан ишланган шпинделли 14 ХВ — 2,4 маркали пахта териш машинаси билан терилса режа 18-20 иш куни талаб этилади.

Биз шу йўлдан бордик. Пахта териш машинасига Тошкентдан келтирилган таркибий шпинделлар қўйилиб ростланди ва 22 сентябрь куни далага олиб чиқилди. Иш услубий формула асосида олиб борилди. Натижа кўнгилдагидек бўлди. 11 иш кунида 224 тонна пахта терилиб, режа уддаланди. Давлат хўжалиги далаларида 34 та яхлит металлдан ишланган шпинделли 14 ХВ — 2,4 маркали пахта териш машиналари ишлатилди. Улар билан салкам тўрт минг тонна хирмон уйилди, ҳар бир машина билан ўртача 115 тоннадан пахта териб олинди. 6 механизатор эса 200 — 210 тоннадан теришга муваффақ бўлдилар.

Демак, ҳаёт бундай тажрибани янада кенгроқ синашга ундамоқда. Республикамизнинг бошқа вилоят ва районларида ҳам мана шу услубий формулага таяниб иш олиб борилса, бир неча пахта териш машинасини тежаб қолиш ҳам мумкин. Айни пайтда бу борада муаммолар ҳам йўқ эмас. Бу йилги пахта йиғим-терим мавсумигача тақчил бўлган таркибий шпинделларни кўпроқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш зарур.

Бу иш «Ташсельмаш» заводида амалга оширилянти.

Шу билан бирга республикамизда кўплаб вужудга келаётган кичик корхоналар ҳизматидан ҳам фойдаланиш керак. Ахир деҳқонлар мукаммал машинани орзиқиб кутишяпти.

А. НУРМАТОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси М. Ўрозбоев номидаги механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти илмий ходими.



Тошкент сув иншоотлари қурилиши трести механизациялашган 7-кўчма колоннаси мутахассислари Свердлов номли концерт залига янги конструкциялар ўрнатиш ишларини жадаллаштириб юбордилар.

СУРАТЛАРДА: 1. Пайвандловчи Сервер Булатов, (чапда) ва монтажчи Владимир Мильников. 2. Таъмирлаш ишларининг борыши.

С. ВЕЛИЧКИН (ЎзА) олган суратлар.

САХОВАТ

Яккабоғлик Толибжон Жабборовнинг оиласида ҳали Афғонистондан олинган жароҳат битгани йўқ. Толибжон байналмилал бурчини ўташ даврида ҳалок бўлганди. Бутун оила аъзолари, ота-она қалбини фарзанд доғи, ғам-алам тирнайди. Ҳайриятки яхши одамлар кўп. Улар жабрдийдалар кўнглини кўтаришади, далда беришади, уй-рўзғорига кўмак бераётганлар ҳам бор.

Қарши районидаги Хонобод қишлоғилик Содиқ Маматовнинг тақдири ҳам Толибжон Жабборовникидан қолишмайди. Бегона тупроқдаги шафқатсиз ўлим унинг оила аъзолари қалбида ҳам бир умрга ўчмайдиган армон қолдирди.

Республика Президенти ва ҳукумати бундай жабрдийда оилаларга ғамхўрликни кун сайин кучайтирмоқда. Уларга зарур имтиёзлар яратиш бўйича фармонлар чиқарилган. Лекин маҳаллий ташкилотларнинг айби билан кўпгина жойларда юқоридан белгиланган тадбирлар амалга ошаяпти, деб бўлмайди.

Айтишларича, яккабоғлик Толибжон Жабборов ва қаршилик Содиқ Маматовларнинг оиласи ҳам ёрдамга муҳтож. Оила аъзолари жуда қашшоқ яшайди. Бунинг устига уй-жойлари ҳароба ҳолга келиб қолган. Ҳовли деворлари нураб-ўпирилиб боряпти. Балки бу аҳволни ўнглашга маҳаллий ташкилотлар, қишлоқ кенгашларининг қурби етмаётгандир. Булар балки эътиборсизликнинг оқибатидир.

Ўтган йилнинг охиридан бошлаб Қарши шаҳридаги «Саодат» хусусий дўкони жамоаси хайрли ишга қўл урди. Афғонистонда ҳалок бўлган байналмилалчи жангчилар оилаларини оталиққа олишди. Дўкон жамоаси ноябрь ойидан бошлаб ҳар бир мотамзада оилага 700 сўм миқдорида пул ва кийим-бош, озиқ-овқат маҳсулотлари олиб бориб беряпти.

— Бу савоб ишни биз янада кенгроқ доирада давом эттирамиз, дейди хусусий дўкон мудири Назира Шодмонова. — Бева-бечоралар оиласига қарашамиз. Боқувчиси йўқларни оталиққа оламиз. Қарши районидаги Кўчкак қишлоғида ўз маблағимиз ҳисобидан мачит қурдирамиз. Меҳмонхона барпо этамиз. Бунинг учун бизда маблағ етарли. Мулк хусусий бўлса ҳам манфаат умумий.

Дўкон аввалига ижарага, кейин 1991 йилнинг май ойидан хусусий қилиб сотиб олинганди. Дастлаб дўконда 3 киши иш бошлаган бўлса, ҳозир 30 нафар сотувчи ва молшунослар меҳнат қилаётир. «Тикувчи» кичик корхонасида ҳам 20 нафар хотин-қизлар ишлайди. Улар тикаётган бежирим, харидоргир буюмлар дўкон орқали аҳолига сотиляпти.

Ҳар бир сотувчи даромадга қараб 2,5-3 минг сўм ва ундан ҳам кўпроқ маош олаяпти. Ҳатто фарроШнинг ойлиги ҳам бир ярим минг сўмдан кам эмас. Олаётган фойдадан дўконга ва кичик корхонага қўшимча бинолар қурилди.

Дўконга келтирилган тақчил моллар ташқи савдо биржалари ва фирмалари орқали олинаяпти. Вақти-соати ва харидор талаби билан нархнаво ўзгариб турибди, моллар нархини туширишга тижоратчиларнинг ихтиёрида.

Кейинги олти ойда 7 миллион 405 сўмдан зиёд савдо қилишди. Ишчи-хизматчиларга маош тўлаш ва давлат бюджетига 35 фоиз маблағ ўтказишдан ташқари 517 минг 400 сўм фойда олинди. Бундан кейин ҳам топган-тутган маблағларнинг бир қисмини хайрли ишларга сарфлашни режалаштиришган. Чунки саховатпешалик улкан савоб иш.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

• Талабалар: имтиёз, бурч ва масъулият

КЎҲНА ВОҲАДА ЎҚИШАДИ

Ўзбекистон оқсоқоли Йўлдош ота Охунбобоев 1927 йилда Хоразмга ташриф буюрганида халқ шоири ва санъаткори Сафо Муғанний унга қўшиқ яратган, пировардида жуда машҳур бўлиб кетган бир қўшиқда шундай сатрлар бор эди.

Хоразм бир узоқ округ,
Юрмак қийин, темир йўл йўқ,
Келишингиз жуда шодлик,
Хуш келдингиз Хоразмга!

Ўша пайтларда аҳвол чиндан ҳам оғир эди. Ҳали темир йўл қурилмаганн, ҳаво йўли очилмаганидан «Хоразм узоқ бир округ» деб ҳисобланган экан. Хўш, бугун-чи? Собиқ Шўро тузуми бизни етмиш йилдан ортиқ вақт давомида алдаб-алдаб бор будимизни талаб, беҳад қийин аҳволга тушириб қўйганлиги бугун ҳаммага аён. Пулимиз ниҳоятда қадрсизланиб, нарх-наво шу қадар осмонга чиқиб кетдики, буни тасвирлашга тил ҳам, қалам ҳам ожиз.

Ижтимоиятда юз берган инқироз ҳаммани бирдай ҳушёр тортишга мажбур қиляпти. Иқтисоддаги ўпирилишлар собиқ сиёсий йўлимизнинг чалкашлигидан эканлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Бундай оғир пайтда аҳолининг эҳтиёжларини, имконият ва ҳоҳиш-иродасини биринчи навбатда ҳисобга олишни турмушнинг ўзи тақозо этиб турибди. Темир йўл, ҳаво ҳамда автомобиль транспортида қатнаш баҳоси бир неча баробар қимматлашиб кетганлиги талабалар ҳамёнига ҳам катта зарба бўлди. Бундай пайтда Тошкент ёхуд собиқ Иттифоқ жумҳуриятларининг бошқа шаҳарларига бориб ўқишнинг ўзи бўлмайди. Ҳар йили камида икки-уч марта она юртга, ота-она ва оила ҳузурига бориб келишга тўғри келади. Эндиликда эса буни ҳамён кўтармайди.

Хоразм ҳокимлиги буни ҳисобга олиб вилоят марказида қатор олийгоҳлар филиалларини очиш, ўқув машғулотларини шу йилнинг 25 февралиданоқ бошлаб юбориш тадбирларини кўрди.

Бу тадбирлар олдиндан режалаштириб қўйилган. Бу кадрларга бўлган эҳтиёж, энг муҳими, ота-оналар орзуси, талабаларнинг ўз ҳаётий истак-эҳтиёжлари тақозо этаётган эди. Эндиликда Тошкент техника дорилфунунининг умумтехника куллиётида таълим олаётган 214 нафар, қурилиш ва меъморчилик олийгоҳида таълим олаётган 96 нафар, химия-технология олийгоҳида ўқиётган 60 нафар биринчи ва иккинчи курс талабалари Хоразмда очилган махсус куллиётларда ўқишни давом эттиришяпти. Бунинг учун қулай бинолар танланиб, зудлик билан жиҳозлантирилди ва ётоқхоналар ҳозирланди.

Бундан ташқари В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат дорилфунунининг 14 та куллиётида таълим олаётган хоразмлик 256 нафар биринчи ва иккинчи курс талабалари ўқишни Хоразм Давлат педагогика олийгоҳида давом эттиришаётир. Шу мақсадда вилоят олийгоҳида Тошкент Давлат дорилфунунининг ўқув-консультация пункти фаолият кўрсата бошлади. Шунингдек, вилоят марказида Тошкент автомобиль ва йўл қурилиши олийгоҳининг ҳам ўқув-консультация пункти ташкил этилди. Бу пунктда шу пайтгача Тошкентга қатнаб, олийгоҳнинг биринчи ва иккинчи курсида таълим олаётган 60 нафар талаба билим олади. Умуман, жумҳуриятимиз пойтахтининг юқорида айтиб ўтилган олий билимгоҳларида билим олаётган хоразмлик 1 ва 2-курс талабаларидан 676 нафари эндиликда вилоят марказида ўқиб, фан негизларини эгаллашади. Улар яқинда Тошкентга бориб, ўқув анжомларини олиб қайтишди. Фақат ана шу сафар учун вилоят бюджетидан 300 минг сўм маблағ сарфланди.

Келгусида вилоятда Тошкент медицина, Тўқимачилик ва енгил саноати олийгоҳлари ҳамда қишлоқ хўжалик дорилфунунининг Хоразм куллиётларини очиш ҳам назарда тутилмоқда. Ҳа, қадимда фан ва маданият марказларидан бири ҳисобланган кўҳна воҳа яқин келажакда ўзининг қатор янги олий билимгоҳларига эга бўлса ажаб эмас.

Э. МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Самарқанддаги «Хотин-қизлар меҳнати» фабрикаси жамоаси Наврўзолди кунларида баланд руҳ билан ишламоқда. Суратда: ҳар сменада режага қўшимча 25—30 фоиздан юқори сифатли маҳсулот тайёрлаётган илғор ишчи Соҳиба Одилова.

Суратқаш Ғ. АЛИЕВ.

• *Қозоқ маданият марказининг фаолиятидан*

ЎЗБЕК—ЎЗ ОҒАМ

Ҳозир Ўзбекистонда эллик бешта миллий ва байналмилал марказ бор. Уларнинг ишини мувофиқлаштириб туриш учун байналмилал маданий марказ ташкил этилди. Булар ичида қозоқ маданият маркази алоҳида ўрин тутади.

Бу марказ 1989 йилда унинг ҳозирги раиси А. Укубоевнинг ташаббуси билан иш бошлади.

Қозоқ маданият марказининг фаолияти Ўзбекистонда яшовчи қозоқларнинг турли маданий, маънавий ва лисоний эҳтиёжларини қондириш, миллий урф-одатлари, анъаналари ва расм-русумларини сақлашда ёрдам кўрсатишдан иборат. Ўтган даврда ичида қозоқ маданият маркази Ўзбекистонда яшовчи қозоқ миллати вакилларининг турли муаммоларини ҳал этишида давлат маҳкамалари ва жамоат ташкилотлари унга катта ёрдам кўрсатди. Биз катта оммавий миллий байрамлар ўтказдик. Жумладан Ўртачирчиқ ноҳиясидаги «Ленин йўли» жамоа хўжалигида «Ауил» («Қишлоқ») байрамини ўтказдик ва унда фақат қозоқлар эмас, балки ўзбек, тожик, рус, қирғиз ва Тошкент вилоятида яшовчи бошқа миллатлар вакиллари ҳам иштирок этдилар. Ҳар йили марказда оммавий равишда Наврўз миллий байрамини нишонламоқдамиз. 1991 йилда «Халқлар дўстлиги» саройида ўтказилган Наврўз байрамида республика Президенти И. А. Каримов меҳмон бўлдилар.

Ҳамза номли театрда ва «Коинот» маданият ва дам олиш боғида ҳам қозоқ санъати байрамини ўтказишга муяссар бўлдик. Унда таниқли санъат арбобларидан Ж. Ескалиев ва Е. Ҳасанголевлар раҳбарлигидаги «Досмухасан» мусиқий дастаси иштирок этди.

Машҳур қозоқ оқини Бозор Жирау Ондас туғилган кунининг 150 йиллигига бағишланган адабий кеча эса айниқса қизиқарли ўтди. Икки кунга мўлжалланган тантаналардан кейин Бозор Жираунинг ватани Бухоро вилояти Томда ноҳиясининг марказида «Кокпар» «Улоқ» «Қиз қу» (Қиз қувиш) деб аталувчи от спорти мусобақалари ҳамда қозоқ оқинлари ва ўзбек бахшиларининг айтишувлари, байрам концертлари давом этди.

Буюк шоир Алишер Навоийнинг 550 йиллигига бағишланган тадбирлар икки халқ дўстлиги байрамига айланди. Мана, бир йилдан ошиб қолдики, Ўзбекистонда қозоқ тилида «Достик туғи» («Дўстлик туғи») рўзномаси чиқиб турибди. Бунинг нашр этилиши ҳам қозоқ маданият марказининг ташаббуси билан бўлди. Юқоридаги ишларни амалга оширишда қозоқ маданият марказининг ташкилотчи фаоллари А. Укубоев, А. Дулдулова, З. Шарафиева, Д. Колдибоев ва бошқаларнинг хизмати ниҳоятда каттадир. Булардан ташқари қозоқ аҳолисининг фан ва маданият арбоблари, ишлаб чиқариш илғорлари, чорвадорлар ва бошқалар билан учрашувлари ҳам ўтказилди. Булар яхши тадбирлар қаторидан ўрин олиб бунда Давлат мукофоти совриндорлари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоблари профессорлар, фан докторлари, ёзувчилар А. Нуралиев, С. Қорабоев, Х. Салимов, Т. Айдеров, М. Бекбергенов, А. Укубоев, К. Сейданов, А. Сатторов, А. Дулдуловлар иштирок этдилар.

Кейинги вақтларда «Известия», «Комсомольская правда» рўзномалари ва «Ҳалқ ва демократия» (1992. 2 сон) журналида босилган мақолаларда Ўзбекистонда бошқа миллат вакилларига салбий муносабат «кучайгани» ҳақида ноўрин ва адолатсиз фикрлар айтилмоқда. Бу Ўзбекистонда яшовчи турли миллат вакиллари ўртасида низо пайдо қилиш учун тўқиб чиқарилган уйдирма, бўҳтонлардир. Ваҳоланки, агар қозоқ аҳолиси ҳақида сўз юритсак, улар Ўзбекистондаги турли ҳудудларда аввалари қандай бўлсалар, ҳозир ҳам ўшандай, аҳил ва дўстликда яшаб, айниқса чорвачиликни ривожлантиришда катта хизмат қилаётганини фахр билан айтиш мумкин.

Мен қозоқ маданият марказининг бир фаол аъзоси сифатида Москвада тўқилаётган бўҳтонларни рад этаман ва бўҳтончиларни имон, инсофга чақираман. Ҳозир Ўзбекистон ва Қозоғистондаги турли олий ўқув юртлари ўртасида ҳамкорлик яхши самаралар бермоқда.

Юқоридаги ижобий ютуқлар билан бирга қозоқ миллий маркази олдида кўпгина вазифалар бор. Ҳозирча бу марказ ўз мусиқий дастасига, миллий кийимлар ва мусиқий асбобларга муҳтож. Марказ ишига Ўзбекистонда яшовчи барча қозоқ аҳолисини, айниқса чорвадорларни фаол жалб этишни таъминлай олмадик. Лекин бу камчиликларни республикада яшовчи қозоқ аҳолиси билан узвий алоқани кучайтириш натижасида тузатиш мумкин. Ҳозирги миллатлараро муносабатлар анча долзарб даврни ўз бошидан кечираётганини ҳисобга олиб, 1992 йилнинг март ойида қозоқ маданият маркази ўз қурултойини ўтказишни ва унда марказнинг иш фаолияти режаси лойиҳасини кўриб чиқишни мўлжаллаяпмиз.

Республикада яшаётган барча халқлар билан ёнма-ён туриб қозоқ халқи ҳам ҳозирги иқтисодий инқирозни бартараф этиш, байналмилал дўстликни яна ҳам мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшади.

Ж. ҚАЛИМБЕТОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори, профессор, Ватан уруши ва меҳнат фахрийси.

ГАЗ БЕРИЛА БОШЛАНДИ

9 март куни эрталаб Муборак газни қайта ишлаш заводи тўхтатиб қўйилди. — Муборак ТЭЦида авария юз берганлиги туфайли бу ерга электр энергияси ва буғ келмай қўйди. ТЭЦда қисқа туташув юз бериб, ёнғин чиққан эди.

Истеъмолчилар учун газ бериш шошилинч равишда чекланди. Зеро завод уларга республикада олинадиган жами газнинг ярмидан кўпроғини етказиб беради. Истеъмолчилар ўз вақтида хабардор қилинди, ёқилғи сарфи кескин камайтирилди. Чеклов аҳолига ва турар жой коммунал хўжалиги вазирлиги корхоналарига даҳл қилмади. Заҳирадаги газ қувурлар орқали етказиб берила бошланди.

ТЭЦдаги ёнғин ўчирилди. Унга етказилган зарар кўп эмас. Куннинг охирига бориб, заводга энергия ва буғ бериш тикланди. Бироқ, саноат корхоналарига илгариги ҳажмда газ беришга ўтиш учун яна бир-икки кун керак бўлади. Газ қувуридаги босимни тиклаш зарур.

(ЎзА мухбири).

МАРОҚЛИ УЧРАШУВ

● Таниқли санъаткор Зикир Муҳаммаджонов Наманган, Самарқанд, Фарғона ва Қирғизистон ўлкасининг Ўш областларида бўлиб, мухлислар билан учрашди.

Саҳна устаси Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек ҳақидаги драмалардан парчалар ижро этиб, кўпчиликни хушнуд қилди. «Генерал Раҳимов» фильми намойиш қилинди. Бош ролни ижро этган санъаткор фильмни суратга олиниши тарихи ҳақида сўзлаб берди, томошабинларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди. Ўш шаҳридаги учрашувларда эса Ўзбекистон ва Ҳиндистон киносанъаткорлари билан ҳамкорликда яратилган «Севги афсонаси» ҳамда «Али бобо ва қирқ қароқчи» бадиий фильмлари ҳақида қизиқарли мулоқот бўлди.

К. ИБРОҲИМОВ.

ҲИСОБОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

● «Ўзбекистон» нашриётида ҳуқуқшунослик фанлари номзоди Омонилло Муҳаммаджонов ва ҳуқуқшунос олим Михаил Красновларнинг «Халқ нонби: ҳисобот ва масъулият» китоби босмадан чиқди.

Муаллифлар район, шаҳар, қишлоқ ва посёлка Кенгашларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси халқ нойибларининг ишлари, ютуқ ва камчиликларини таҳлил этишга ҳаракат қилишган. Китобда сайлов тартиботлари, жамоатчилик талабларини бажариш доирасидаги масалалар кенг баён этилган.

М. НАСРУЛЛАЕВ.

• *ОДАМДАН ЯХШИЛИК ҚОЛАДИ*

ЎЗГАЛАР ТАШВИШИДА

Сурхондарёда бир одам бор — Абдижалил Каримов. Икки марта тайёра ҳалокатига йўлиққан ва иккисида ҳам омон қолган одам. Тағин иккала фалокат ҳам учинчи сентябрь куни бўлгани қизиқ. Бири — олтмиш биринчи, иккинчиси олтмиш бешинчи йиллари...

Ҳали-ҳали қизиқиб одамлар ундан шу фалокатлар тафсилотларини сўраб қолишади. Каримов гапириб беради: — Ўшанда ман қурилиш-кўчириш бўлимида ишлар эдим, — дейди у «и» товушини чўзиброқ талаффуз қилиб. — Бойсундан Термизга учамиз деб уч киши «қўкурузка»га (АН—2 тайёраси) ўтирдик. Учувчи тайёранинг бор тугмачаларини ишчи ҳолатига келтирганини кўриб турипмиз. Энди денг мотор ўт олмайди. Учувчининг жаҳли чиқди. Ўрисчалаб сўкинди. Ерга тушиб, тайёранинг паррагини қўзғаб юборувди десангиз, мотор бирдан ўт олиб, тайёра юриб кетса бўладими... Газ ричаглари охиригача суриб қўйилган экан десангиз, гуриллаб катта тезлик билан елиб кетди-ку. Ҳайриятки учиш йўлагига тўғрилаб қўйилмаган экан, тайёраси тушмагур осмонга кўтарилиб кетса нима қилардик денг учувчисиз. Тайёра жўякли пайкалга бурилди. Тезлиги пасайгандай бўлди. Лекин тўхтамади. Бир лўкиллаб чопади. Шерикларимиздан бири — Назаров Бозор деган киши (худо раҳмат қилсин) ўзини эшикдан ташлади. Узун бўйли киши эди. Гавдасини ўнгариб тик турган пайт «кукурузка» тушмагур ўнқир-чўнқирда рули ўз ихтиёри билан айланиб, яна ўша кишига рўбару келиб қолмайма, парраги бошларига шикаст етказипти. Ўлди. Қарасам, тайёра энди катта қояни «шохламоқчи». «Шохласа» тамом, Каримов ҳам тайёрага қўшилиб ёнадикетади. Жалилбой, бор нажот энди эгамдан, дедиму, тайёрадан ўзимни ташладим. Тиззамдан лат еганман. Қовоғим ёрилипти. Шушу, бандасининг тепасида худо турганига имон келтираман...

Сўзлайверса, Каримовнинг бунақанги саргузаштнамо ҳикоятлари кўп. Бироқ кўпинча ўзининг ишига таваллуқли саргузаштлардан қўли бўшамайди. Ишини сўрайсизми? — Вилоят ижроия қўмитаси. 16 йилдирки, ижроқўмнинг бўлимида бошлиқ. Рақам воситасида номланишида, бўлим бирон бир иш билан шуғулланар экан-да, деб ўйлайдиганлар бордир. Гумон — тўғри. Биз катталарнинг шунга ўхшаш кўпгина ишларимиз болаларнинг «бекинмачоқ» ўйинларига ўхшаб кетади.

* * *

Энди шундай жиддий бўлимда қанақа саргузаштбоп воқеалар бўлар экан дерсиз. Каримов ҳикоят қилсину сиз эшитинг.

Жарқўрғоннинг «Сурхон» хўжалигида яшовчи Туропов Маман деган фуқоронинг ўғли — Рўзи ҳарбий хизматдан озиган — тўзиган аҳволда қочиб келди. Маманбой қонунни ҳурмат қиладиган, тўғриси, қонундан қўрқадиган одам. «Исноти бўлма, бор, хизмат жойингга жўна», — деди ўғлига.

— Қайтмайман. Игна ютганман, — деди Рўзи ҳўнграб йиғлаб юборишдан ўзини зўрға тийиб.

— Игна ютгансан!? Эсинг жойидами ўзи, болам?

— Учта «старик» бола пулимни тортиб олди. Калтаклади. Сўнг, оғзимни очиб, томоғимга игна ташлаб юборишди...

— Тили-жағинг йўқми?! Айтмадингми командирларингга томоғимга игна ташлаб юборишди деб, — деди Маман ака баттар олов олиб.

— Айтдим. Командир, мих ютсанг ҳам ўлмайсан сен қўнғирот, — деди.

— Ҳей, шу командирингни... Колхозчи ҳолимга энди нима қиламан, қўлимдан нима келади...

Лекин фарзанд экан, эртаси куни у ўғлини эргаштириб кўчага чиқди. Шифохонадагилар, ўғлингиз ҳарбийларнинг ҳисобида экан, уни ҳарбий госпиталга олиб боринг, дейишди. Вилоят ҳарбий комиссариати остонасидаги, бойсунлик Шоберди бахши ўз достонларида таърифлаганидек, «чивин кирса ҳам уриб қайтарадиган» олифта соқчилар Маманбойнинг саломига алик олишнинг ўрнига унинг кийим-бошини томоша қилишди. Ота-болага кимдир «ақл» бўлди. Вилоят ижроқўмига бориб, тўғри Каримов деганни топинглар, деди. Каримов хонасида экан. Биргалашиб кўчага чиқдилар.

— Мошин борми, катта, — деди Маманбой ютиниб, — Мошин нима қилсин бизда, — деди Каримов кулиб. — Ҳатто велосипед беришмайди.

Пиёда кетдилар. Олдин ҳарбий комиссариатга. Ундан гарнизон прокуратурасига. Сўнг госпиталга. Каримов то Рўзи рентгендан ўтгунча кутиб турди. Хонага жойлаштиришди. Врачларга нималарнидир тайинлади. Сўнг қайтди. Қайтиш олдидан Маманбой беихтиёр Каримовнинг озғин елкаларидан қучиб олди. Умрингиздан барака топинг, болаларингизнинг ҳузурини кўринг, катта, деди. Соғайиб чиқса, Рўзини бошқа қисмга жойлаштиришга ҳам ёрдам қиласиз, илтимос сиздан деб, беқасам чопонининг ўнгирини суриб, чўнтагини кавлай бошлади.

— Нима ташвиш қилаяпсиз, Туропов? — деб сўради Каримов ҳайрон бўлиб.

— Сарсонимиз чиқиб сиз билан бир кун юрдигу, чой ичолмадик. Шунга...

— Шунга пора бермоқчиман, денг. Йиғиштиринг, Туропов; мен ёлланганим йўқ. Мен вазифамни бажардим.

— Ў, Каримов, Каримов, вазифасини ҳамма ҳам сизга ўхшатиб бажаргандами...

Маманбойнинг тили калимага келмай қолди. Юзини четга буриб, кўзларини артди.

Иккинчи бир саргузашт янада чигал. Латвиядаги қисмда хизмат қилаётган асли комсомолободлик (Гагарин райони) Қодиров Фахриддиннинг «старик»ларнинг калтагидан ўзини ҳимоялаш учун қилган ҳаракати шу жанжални томоша қилиб ўтирган командирга «Фахриддин бошлиққа қўл кўтарди» бўлиб кўринди ва ҳарбийлар жазоладилар. Ана энди Фахриддиннинг II-гуруҳ ногирон отасию дардманд онаси додини худога айтишсин.

Бироқ ночор ота-она бугунги кунда Каримовга ўхшаган одамлар борлигига шукур қилишади. Каримов шу ишнинг ўзи билан олти ой шуғулланди. Ижроқўм раиси номидан хат жўнатмаган идораси қолмади. Фахриддиннинг қиссаси, Фахриддинларнинг қиссаси унинг қалбига шунчалар ширин, шунчалар армонли ҳикоят бўлиб қолганини кўриб ҳайратингиз ошади.

Бир гал ижроқўмга борганимда Абдижалил акани залда учратдим. Сочларини тараб, хонасидан энди чиққан экан. Мамнун. Хушчақчақ. Енгил.

— Ҳарбий чақириқ комиссиясидан қайтдим, — дейди у. — Тўққизта болани бугун ҳарбий хизматга жўнатишдан олиб қолдим. Иккитаси дардман, еттитаси кенжа ўғил экан.

— Кенжа ўғилни хизматга олмаслик ҳақида Вазирлар Маҳкамасининг қарори бор-у. Нима, сиз аралашмасангиз ўзлари бажаравериш майдими? — деб сўрайман ундан.

— Эй,— деб қўл силтайди Каримов, — биласизки, бизда ҳатто товуққа ҳам сен ойига фалонча тухум туғишинг керак, деб режа солиб қўйилган. Ҳарбий комиссариат ҳам шу — фалонча болани жўнатиши керак. Бу режа бажарилди, деб жар солмоққа яхши. Ишнинг режали бўлганига қаршилигимиз йўқ. Қани эди ҳамма яхши режалар ҳам бажарилса. Йўқ, бажарилмайди.

— Сизларнинг соҳаларингизда ҳам наҳотки бажарилмайдиган режалар бўлса...

— Ҳа, бор, — дейди Каримов, — Масалан, кузги чақиришнинг ўзидан мингдан ошиқ аскарни Сурхондарё вилоятида хизматда бўлган ота-оналарнинг ҳолини-ку сўрай кўрманг, энди. Ёшларимиз ўртасида бунақа меҳрсизлик, оқибатсизлик, билмадим қаердан пайдо бўлиб қолди. Кўнгилсиз воқеаларнинг ҳаммаси бўлса қурилиш отрядларида содир бўляпти.

Шу пайт кимдир гапга аралашди. Ўзбек бачаларини бошқалар эзаяпти, деди.

— Бу гапга мен қўшилмайман, — деди Каримов жиддий эътироз қилиб. — Яхши ёмон ҳамма жойда бор. Ҳар миллатда бор. Кўнгилсиз воқеалар фақат сиз айтаётган заминда бўлаётгани йўқ. Мен бир ҳикоятни сўзлайин, сиз тингланг.

Приморий ўлкасидан бир офицер билан танишдим. Первов. Исми Володямикинай. Ҳарбий қисмда сиёсий ходим бўлиб ишларкан. Шу одам Абдирасул деганнинг тобутини Қумқўрғонга олиб келди. Юрагида армону, кўзларида ёш билан. Бу айрилиққа биз қисмдагиларни айбдор деб билсангиз Абдирасулжон билан мени ҳам қўшиб кўминглар, деб аскарнинг отасига бағрини бериб осилиб йиғлади. Шу йигирма ёшар йигит билан қўшмозор бўлишга розиман, деди.

— Бандасининг тангрига ёққан бир фазилати бор. Кўргуликдан ўзини Худонинг иши бу, деб овутади.

— Худонинг иши эмас, бу кўргулик бандасининг иши, — деди Первов ёш болалар мисоли хўрсинишини босолмай. — Абдирасулжон ошпазимиз эди. Қисмимизнинг жони-дили эди. Қайси ерлардан ўзи гуруч топиб, хушбўй паловлар тайёрлаб берарди. Уйимдан қадамини узмасди. Телевизордаги футбол томошаларини биргалашиб кўрардик. Эрта-индин таътилга (отпускага) кузатамиз деб турганимизда, эшитсам, касалхонага тушипти. Қарасам, аҳволи оғир. Суриштирсак... Хизматга у бир буйрак билан келган экан. Қолган бир буйраги ҳам шамоллаптию...

— Операцияда бир буйраги олиб ташланган йигитни хизматга, яна совуқ бир ўлкага юборганлар биз эмас, ўзларингнинг врачларинг, ўзларингнинг ўзбекларинг, — деди Первов овози қалтираб. — Судга бермоқ керак унақа врачларни. Оппоқ ҳалати билан бўйнидан осиб ташламоқ керак унақаларни. Абдирасулжон қайсидир бир буйраги бутун одамнинг ўрнига жўнатиб юборилган. Мен қайтишга шошилмайман. Ҳарбий комиссариатга бораман. Уни қайси врач ўлимга ҳукм қилганини аниқлайман. Кейин...

Кейин ҳам ота-онанинг, қариндошларнинг гапи шу бўлди: Худонинг иши. Бу оддий оят ҳатто Первовнинг ҳам ҳовурини босди. Қабр бошида унга гап навбати берилганда Наполеоннинг Ватерлоодаги омадсиз жангдан кейинги ҳолати кўз олдига келди. — «Аскарим менинг, болажоним менинг» — Первов бошқа гапира олмади. Қабр бошида марҳумнинг таниш-билишлари, ҳатто дўстлари гапириши мумкин экану, лекин унинг жигаргўшалари гунгу лол бўлиб ўтираверар экан.

Первов марҳумнинг ётгисини ўтказиб қайтди. Абдирасулнинг отаси ўғлининг келишига иккита тирикиш қовун сақлаб қўйганди. Қовунларни Первовга берди. Болажонимгаки насиб қилмади, энди унинг ўртоқларига элтиб бир тилимдан бўлса ҳам ҳаммасига сўйиб берасиз, деди. Абдирасулнинг онаси ўғлим келганда устида сочалоқ сочаман деб олиб қўйган оппоқ бодомларни ҳам Первовга бериб юборди. У ишлаган ошхона дастурхонига ўртоқларига қўясиз, деди.

Первов худонинг иродасига бўйсунувчи, ҳар яхшилигу ёмонликдан шукр тиловат қилувчи, бировга қасд қилишни, бировдан ўч олишни одат қилмаган одамларнинг ақл-иродасига лол-ҳайрон бўлиб қайтди. Унинг бўғзида бир алам қотиб қолганди. Абдирасулни, у яшаган қишлоқни, шу қишлоқдаги одамларни ва умуман ўзи кўриб-билиб юрган одамларни ўйлагани сари бу алам томоғини вайрон қиларли даражада катталашиб бораётганга ўхшарди.

— Сен, Каримов, — деди Первов кузатувнинг сўнгги лаҳзасида, — суриштирсанг, Абдирасулни кимлар комиссиядан ўтказганини. Билиб қўйганимиз яхши-да. Шунақаларни таниб қўйиш керак. Бўлмаса, қийин бўлади. Ҳаммага қийин бўлади. Ти учти...

Абдижалил ака бунақа гурунгларини одатига кўра Бобораҳим Машрабнинг «Гар юракни қўзғасам, ширин ҳикоятлар келур» деган мисраси билан хотималайди. Бу гал ҳам шундай бўлди. Ва ўзи сезмаган ҳолда хўрсиниб юборди.

— Аскарликка ҳар йили минглаб болани кузатамиз. Сал чарчайдиган бўлиб қолганман. Олтмишга кирдим-да, — деди ва хўрсинганини билдирмаслик учун бўлса керак, яна Машрабдан байт ўқишга жазм қилди...

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

*

Ғузор районидаги «Ғузор» наслчилик заводи отарларида 44 минг бошдан зиёд қўй боқилмоқда. Уларнинг ярмидан кўпроғини она қўйлар ташкил этади. Хўжалик чўпонлари бу йил ҳар юз бош қўйдан 103 тадан қўзи олишни мўлжаллашяпти.

Айни кунларда отарларда қўзилатиш қизғин давом этмоқда. Бу масъулиятли мавсумни беталофат ўтказишда чўпонларга жумҳурият Қорақўлчилик илмий-тадқиқот институтининг Қарши филиали мутахассислари яқиндан ёрдам беришяпти.

Суратда: (ўнгдан чапга) Илмий-тадқиқот институти катта илмий ходими Дўстмурод Мавлонов, чўпон Абдулла Алимардонов, наслчилик заводи директори Яраш Нуруллаев ва чўпон Сармон Иброҳимовлар.

Ш. ШАРОПОВ олган сурат. (ЎзА).

*

• *МУШТАРИЙ МИНБАРИ* •

ХИЗМАТГА ТУҲМАТМИ?

Етмишинчи йилларда Ш. Рашидов катта бир йиғилишда: «Фарғоналиклар! Сизлар боғбонсизлар, Жумҳуриятимизда кўчат етишмаяпти, боғлар барпо қилишимиз лозим. Сизлардан илтимос, томорқаларингга кўчатлар экинглар, уларни сотиб беришга ёрдам берамиз», — деб мурожаат этган эди. Раҳматлик отам Исроил Ғаффоров ва у билан ҳамфикр бўлган ўн икки киши бунга бажонидил қўшилиб, ўз томорқаларида турли кўчатлар етиштиришди. 1977 йилда 66200 сўмлик ниҳоллар Жиззах вилояти Арнасой районидаги Рокоссовский номли совхозга топширилди. Ўзаро тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилди. Афсуски, ўша кўчатларнинг ҳақи эгаларига текканича йўқ.

«Ота қарзини бола узар», — деганлар. Ҳали-ҳали эсимда. Раҳматли отам оламдан кўз юмганларида тобутлари бошида тик туриб: «Отам қарзини мен узаман!» — деб онт ичган эдим. Орадан кўп вақт ўтмай одамлар орасида миш-миш тарқалди: «Марҳум Исроилжон Арнасой районидаги Рокоссовский номли совхозга сотилган кўчатлар пулини олиб, ўзлаштириб юборган экан».

Бу гапни эшитгач қаттиқ изтироб чекдим. Йўқ, бунинг тагига етмасам бўлмайди! Сўраб-суриштира бошладим. Кунларнинг бирида кўчат эгаларидан бири Ашир Расулов менга шундай деди: «Бу гаплар ёлғон, раҳматли отангиз билан бирга кўчатлар ҳақини ундириш учун кўпчилик номидан Арнасой район қозилар маҳкамасига арз қилган эдик. Қозикалонлар сансалорликка солди. «Далил йўқ!» — деб даъво аризамизни рад этишди. Отангиз бечора бу жумбоқни еча олмай оламдан ўтдилар».

Қалбим титради. Ҳақиқатни ахтариш йўлида ҳимоячи қидирдим, фуқаролик ишини варақладим.

Бу воқеа тарихи 1985 йилдан — кўчат эгалари Арнасой район халқ суди собиқ раиси Абдазовнинг қўлига даъво аризани топширган кундан бошланган. Мазкур арзнома ҳеч бир сабабсиз эгаларига қайтарилган. Бундан норози бўлган Ашир Расулов ва бошқалар Жиззах вилояти судига мурожаат этишган. Афсуски, иш яна Абдазовга юборилибди. Барибир натижа чиқмабди.

Кўп йиллардан буён аччиқ ичакдек чўзилиб келинаётган мазкур иш тарихи Жиззах вилоят суди, Ўзбекистон Олий суди ва Ўзбекистон Прокуратурасига беш қўлдай аён. Афсуски, унинг адолатли ҳал этилишидан ҳамон дарак йўқ. Шу боисдан мен мазкур хат билан рўзнома муҳарририятига мурожаат этишга мажбур бўлдим.

Аҳаджон ҒАФФОРОВ,
Фарғона вилояти, Қува районидаги Навоий номли жамоа хўжалиги.

• *Қилмиш-қидирмиш*

ТЕЛПАК ТОРТАР

Бўкалик Абдуллаев Ғулом ҳеч қаерда ишламай, ўқимай Тошкентдек шаҳри азимда «ялло» қилиб юришга ўрганган кимса. Мазахўрак йигит тарки одат амри маҳол, деганларидек, «гумбаз»ли бозорда «ўлжа» изслаб, Бозорбоевани кўз остига олди. Унинг бошидаги «ондатра» мўйнали телпагига чанг урди. Аёл дод солиб, ёрдамга чақирди. Милиция ходимлари чаққонлик кўрсатишди. Телпак эгасига қайтарилди.

Илгари ҳам судланган телпак ўғриси яна қора курсига ўтирди. Тошкент шаҳар, Октябрь район суди айбдорни 4 йиллик муддатга озодликдан маҳрум қилди.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

21 МАРТ — НАВРЎЗ БАЙРАМИ

ЎНГ ОЁҚМИ, ЧАП ОЁҚ

Сурхон воҳасини ҳам кўмкўк майсаларга буркаб, чаккасига турли ўт-ўланлардан тақинчоқлар тақиб, яхшилик ва янгилик, бахт ва тахт элчиси баҳор келди. Яна дов-дарахтлар оппоқ гулга, адир-қирлар отлар уюрига, қўй-қўзиларга тўлди.

Олтинсой райони аҳолиси ҳам улуғ айём — Наврўз байрамини ҳар йилгидан яхшироқ, қувноқроқ кутиб олиш мақсадида тайёргарлик ишларини қизитиб юборишди.

Шу кеча-кундузда бу ерда бўлган киши район марказида, давлат ва жамоа хўжаликларида, корхона, ташкилот, муассаса, тарбия, билим ўчоқларида байрам тараддуди кўрилаётганлигининг гувоҳи бўлишади.

— Районимизда байрамни қай усулда ўтказиш режасини тузиб қўйганмиз. Ўша куни барча қишлоқларда байрам сайиллари ўтказилади. Турли миллий таомлар тайёрланади. Халқ миллий ўйинлари, концерт дастурлари давом этади. Шунингдек, ўша куни Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига, байналмилал жангчиларга, ёлғиз ҳамда боқувчисини йўқотган оилаларга, ишга яроқсиз ногиронларга, меҳнат фахрийларига хайрия маблағидан қимматбаҳо совғалар инъом қиламиз, — дейди район ҳокими Тошпўлат Абдураҳмонов.

— Ўша куни меҳнат аҳлининг ҳар бири бир донадан, имкони борлар икки донадан ариқ ва кўча бўйларига, ташкилот, корхоналар ҳовлисига гул, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазадилар. Кайвони онаҳонларимиз катта дошқозонларда сумалаклар тайёрлаб, барчага улашади. Азалдан меҳр-оқибатли, диёнатли ҳамда меҳнатсевар халқимиз барча гина-кудратни унутиб, Наврўз байрамини қадимги урф-одатларимиз ва анъаналаримиз билан кутиб олишади. Қалблар сурурга, кўзлар севинч ёшларига тўлади, — дейди Ўзбекистон ХДП ноҳия кенгаши котибаси Саодат Ғаюмова.

Ҳа, Наврўз Олтинсойда қадимги урф-одатлар билан кутиб олинади. Қизлар бошларига осмондай рўмолларини ўраб, жилмайиб, сайилга келадилар. Алпомиш келбат йигитлар уларга ўғринча қарайверади. Оналар оналарга илтифотлар кўрсатишади. Ўзаро қуда-кудавандa бўлишмоқчи бўлишади. Ҳамма томошабинлар қийқириб юборади. Хумор келин гулдек тўлади. Чақалоқнинг юзларидан ҳам ўпади...

Қариялар ҳам тўкин дастурхон атрофида яратгани олқишлаб шукроналар айтишади. Ҳадислардан намуналар ўқишади. Ғайрати танасига сиғмай, курашаётган, улоқ тортишаётган, ип узишаётган, қулоқ чўзма ўйини ўйнашаётган йигитларнинг ҳар хил ажиб ва дилкаш қилиқларини томоша қилишади. Ёки шу Наврўзда ҳам халқнинг миллий куй ва қўшиқларини бузиб, кимларгадир тақлидона қўшиқ ижро этаётган қўшиқчидан нолиб, ўз-ўзи ва қишлоқдошларидан бошқа ҳеч ким танимайдиган бахшининг ёнига кетишади. Бахши бўлса юраги тўлиб, ҳув қорли тоғларга термулиб, дўмбирасини сирқиллатиб-сирқиллатиб жўшиб ва қўшиб айтаверади:

Ҳув, тоғларнинг ўнгирлари айтмасанг
қормиди!
Е қалбингда қордек дардинг йўлларингга
бормиди!
Шу қорларни оҳи урар, Балки кимдир зормиди!

* * *

Дўмбирам, сени боқайин
Бўйнингга туфак тоқайин
Наврўзда ҳей жўшмасанг
Ўтга солиб ёқайин...

Бутун дунёни ўз дунёси билан ўлчайдиган, ҳали тақдирнинг тақозосини сезмаган бизнинг ёрқин келажагимиз бўлган болалар ҳам Наврўз байрами таомларидан ва сайил ўйинларидан ажралиб қолишмайди. Улар ҳам икки тарафга бўлиниб, «Чилик», «Зуваллатар», «Яшин-мачак», «Ким ўзар», «Оқ теракми, кўк терак?» сингари қадимги болалар ўйинларини ўйнашади. Борди-ю, биров ташкиллаштириб юборса «Эшак кўпкари»ни ҳам бошлаб юборишади. Тенгқур қизлари эса «Мак», «Тош ялаш», «Хола-хола», «Келин-салом» ўйинларини давом эттиришади. Районда байрам сайиллари тугагандан сўнг, экин-тикин ишлари авж олдириб юборилади. Одамлар бир-бирларининг хонадонига тинчлик, дунёга осойишталик тилайдилар.

А. ПАРДАЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг тарғибот маркази мухбири.

• *Ҳодиса*

ЖАНГОВАР ГРАНАТАЛИ «ОВЧИ»

23—«Душанбе-Москва» поезди Бухоро-1 бекатига келиб тўхтаганида бир йўловчи ушланди, унинг жомадони тўла ўқ-дори эди.

ЎзА мухбири И. Сафаровнинг илтимоси билан бу воқеани Бухоро-1 бекати ички ишлар бўлимининг бошлиғи милиция подполковниги Т. Ҳайитов қуйидагича изоҳлаб берди:

— Шу йилнинг ўзида бундай воқеа биринчи марта рўй бераётгани йўқ. Январь ойида ходимларимиз жангговар гранаталарни олиб кетаётган дўгистонликларни ушлаган эдилар. Орадан бир ой ўтгач, Волгоград вилоятида яшовчи Ш. Рашидов деган кимса қўлга олинди. Тинтув вақтида унинг ёнидан РГД—5 гранатаси ва наркотик моддалар топилди.

Ҳозир биз республикага турли «Сайёҳлар» — ўғрилар ва нашавандлар, бошқа номаълуб унсурлар суқилиб киришига йўл қўймаслик мақсадида «Комплекс—92» кенг миқёсли операциясини ўтказаяпмиз. Операция чоғида ходимларимиз — милиция сержанти Р. Жумаев билан милиция старшинаси А. Ражабов Душанбедан Москвага бораётган поезд вагонларидан бирида ўзини шубҳали тутган бир йўловчига эътибор бердилар. У Кемерово вилоятида яшовчи Сергей Юрковский деган кимса экан. Унинг буюмлари текшириб кўрилганида турли маркалардаги 12 та жангговар граната, кичик калибрли милтиқ учун салкам бир ярим мингта патрон, сигнал берувчи 36 та ракета, ПМ тўппончаси учун тўрт юзта патрон, тунда кўрсатадиган асбоб, қўл пулеметининг учта бутун стволи, битта қирқма ствол, зирҳли жилет, тротилли портловчи моддалар ва яна қандайдир ўқ-дорилар топилди ва мусодара қилинди.

Терговда С. Юрковский, ўз ёнидан чиққан анжомлар ва ўқ-дориларни гўё Термиздаги колхоз бозоридан номаълум эркакдан сотиб олганини ва мана шуларнинг ҳаммаси учун олти минг сўм тўлаганини айтди. У овчи бўлгани учун шу нарсаларни сотиб олганини ва ўз юртига етиб борганида ҳайвон ва балиқ овига чиққанида уларни ишлатмоқчи эканини таъкидлади.

Бу воқеа тафсилотларини текшириш учун оператив тергов гуруҳи тузилди. Транспорт прокуратураси эса С. Юрковскийга қарши жиноий иш қўзғатди.

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ҚАДР ТОПГАН КУН

Наврўз — халқимизнинг миллий қадриятлари, анъана, урф-одатлари бутун борлиғи билан намоён бўладиган кун. Шу боис районимиз аҳли айёмга пухта тайёргарлик кўрмоқда.

Ҳунармандлар, дурадгорлар, кулоллар, ганчкорлар ўзларининг энг сара маҳсулотларини Наврўз байрамида намойиш этишмоқчи. Чевар опалар-у, опасингилларимиз ўз меҳрлари йўғралган палак, чойшаб, қийиқчаю рўмоллар тикишяпти.

Байрам куни одатдагидек тонг саҳарданоқ маҳалла, қишлоқларда карнай-сурнай садолари янграйди. Дош қозонларда сумалак, ҳалим каби турли миллий таомлар пиширилади. Отчопар, қиз қувди, миллий кураш сингари спорт турлари бўйича беллашувлар байрамни янада жозибали қилади.

Буларнинг ҳаммасини ташкил қилишда райондаги корхона, ташкилот, хўжалик раҳбарлари ҳамда ХДП район кенгаши фаоллари бош-қош бўладилар.

Районимизда 36 миллат вакили истиқомат қилади. байрам куни уларнинг ҳаммаси ўз урф-одатлари, анъаналарини намоён қиладилар. Миллий кийимлар, таомлар тайёрлашга алоҳида эътибор берилади. Масалан, қирғизлар ўзларининг машҳур бешбармоғи, уйғурлар мазали лағмонлари билан дастурхонни безатадилар. Тергачи қишлоқ Кенгаши байрамни нишонлаш юзасидан янги ташаббуслар билан чиқди. Чунончи қишлоқ Кенгаши раиси Ё. Отамирзаев бошчилигида ҳамма маҳаллаларда ободончилик, тозалик ишлари олиб бориляпти. Қўқимбой, «Ленин йўли», «Ленинизм» қишлоқ Кенгашларида ҳам байрамга пухта ҳозирлик кўриб қўйилди.

Наврўз байрамини биз ҳар йили Қирғизистон жумҳуриятининг қўшни Олобуқа райони ҳамда Тожикистон жумҳуриятининг Конибодом шаҳарлари аҳолиси билан биргаликда кутиб оламиз.

Наврўз байрами куни ногиронлар, қариялар ва ёрдамга муҳтож кишиларга алоҳида меҳр-мурувват кўрсатамиз. Бизнинг районимизда боқувчисиз қариялар уйи бор. Биринчи навбатда шулар учун меҳр-оқибат кўрсатилади. Шунингдек, районимиздаги 121 та ёлғиз киши, 151 нафар Афғонистонда хизмат қилган байналмилалчи жангчи, 300 га яқин уруш ногиронлари меҳр-мурувват ардоғида бўладилар. Энг муҳими Наврўз байрами миллий қадриятларимиз тикланишида муҳим ўрин тутади.

Нўъмонжон АҲМАДЖОНОВ,
Косонсой район Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, район ижроия қўмитаси раиси.

НАВРЎЗИ ОЛАМ НАФАСИ

10 март куни Тошкентда Наврўз умумхалқ байрамини ўтказиш республика ташкилий комитетининг навбатдаги мажлиси бўлди. Уни шу комитет раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Самандаров олиб борди.

Мажлисда Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятларида Наврўз байрамига тайёргарликнинг бориши тўғрисида мутасадди кишиларнинг ҳисоботи тингланди. Республика Маданият, Савдо вазирликлари, «Ўзбекбирлашув»нинг Наврўзни чинакам халқ байрамига айлантириш борасидаги тадбирлари муҳокама қилинди.

Наврўз шодиёналарини ҳозирдаёқ бошлаб юборган Фарғона вилояти аҳолиси 14 мартда ўтказиладиган умумхалқ ҳашари куни ишлаб топилган маблағнинг 40 фоизини республика Наврўз ва ҳайрия жамғармаларига ўтказишга қарор қилди. Наманганликлар эса хайру-эҳсон бобида намуна кўрсатишмоқда. Андижон вилояти ҳокимлиги 1992 йилни «Меҳр-шафқат йили» деб эълон қилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Наврўз муносабати билан 14 мартда умумхалқ хайрия ҳашарини ва 21 марта «Мустақиллик, тинчлик, меҳр-шафқат» хайрия телемарафонини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ана шу тадбирларнинг амалга оширилишига раҳбарлик қилиш ҳам ташкилий комитет зиммасига юкланди. Комитет мажлисида Ўзбекистон Телерадио компанияси раҳбарлари ва масъул ходимлари йигирма беш соатлик узлуксиз кўрсатувга қандай тайёргарлик кўрилаётгани ҳамда унда асосан қандай мавзулар ёритилиши тўғрисида маълумот бердилар.

(ЎзА мухбири).

МАҚСАД—ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари миллий комитети деб аталган янги жамоат ташкилоти тузилди. Ташкилот раёсатининг мажлисида унинг тузилиши ва вазифалари белгилаб олинди. Комитет ўз фаолиятида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қабул этган Инсон ҳуқуқлари жаҳон декларациясига таянади.

Ташкилотнинг хотин-қизлар ва болалар, ёшлар, миллий гуруҳлар ва элатлар, уруш ва меҳнат фахрийлари ишлари билан шуғулланувчи шўъбалари ҳам тузилди. Алоҳида фуқароларнинг аризаларини текшириш ҳам, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳолати ҳақида бошқа жамоат ташкилотларидан тушган ахборотни ҳар томонлама ўрганиш ҳам мазкур шўъбаларнинг вазифаси жумласига киради.

(ЎзА).

ЯРИМ АСРЛИК ЖУДОЛИКДАН СЎНГ

Замона зайлига кўра бутун дунёга сочилиб кетган юртдошларимиз билан қайтадан дийдорлашиш бахтига муяссар бўла бошладик. Бу, аввало, бошимизда мустақиллик офтоби чарақлагани, муборак истиқлол туфайлидир.

Ўзбекистон Республикаси адиблар иттифоқи «Билимлар уйи»да Америка Қўшма Штатларида истиқомат қилаётган ўзбек фарзанди, истеъдодли шоир Булоқбоши (Эргаш Шермат) билан жамоатчиликнинг учрашув кечасини ўтказди.

Эргаш Шермат асли Андижоннинг Булоқбоши қишлоғида туғилган бўлиб, урушдан аввал Тошкентдаги ҳуқуқшунослик институтида муаллимлик қилган, урушдан кейин хорижда қолишга мажбур бўлган.

Учрашувда шоир Булоқбоши 52 йиллик узоқ айриликдан сўнг, ниҳоят, яна она тупроққа қадам қўйганлигидан ғоят мамнунлигини изҳор этди. У ҳижрат соғинчларининг ифодаси сифатида ватан, миллат, истиқлол туйғуларига йўғрилган шеърларидан ҳаяжонланиб ўқиб берди. Юртимиз раҳбарларининг хайрли ишларидан қувонаётганини алоҳида таъкидлади.

Булоқбоши Ўзбекистон Республикаси адиблари иттифоқининг биринчи қурултойида мазкур иттифоқ фахрий аъзолигига қабул қилинган эди. Учрашув чоғида у кўрсатилган эҳтиром учун улкан миннатдорчилик билдириб, ушбу иттифоққа расман аъзо бўлиш учун ариза берди.

Сўзга чиққан таниқли ижодкорлар ўзбек муҳожирлари адабиёти, хусусан, Булоқбоши ижоди ҳақида батафсил гапирдилар.

(ЎзА мухбири).

Тошкент. Ҳамид Олимжон майдони.
С. ВЕЛИЧКИН (ЎзА) олган сурат.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ-ЙЎЛЛАР ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

кафедралар бўйича профессор-ўқитувчилар таркибидаги бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

доцентлар: гидравлика ва гидромашиналар, кимё, иқтисодий назарияларнинг асослари;
катта ўқитувчилар: йўлларни қуриш ва улардан фойдаланиш технологияси, чизма геометрия ва чизмачилик (2);
ассистентлар: амалий механика (ўзбек тилида).
ТАНЛОВ МУДДАТИ — 5 АПРЕЛГАЧА.
Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 20-уй.

450-ХЎЖАЛИКЛАРАРО ҚЎЧМА МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН КОЛОННАСИ

ИССИҚХОНАЛАР ВА САБЗАВОТ ОМБОРЛАРИ ҚУРИЛИШИ УЧУН КАТТА ИШ БОШҚАРУВЧИ, ЭКСКАВАТОРЧИ, МОНТАЖЧИЛАР, ПАЙВАНДЧИ, ЯРИМТИРКАГИЧ МАШИНА ҲАЙДОВЧИСИНИ

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Меҳнат ҳақи — ишбай мукофотли, ишнинг кўчма табиати учун 20 фоиз қўшимча ҳақ тўланади.
МАНЗИЛИМИЗ: Қўйлиқ посёлкаси, Транспортная кўчаси (метронинг «Мустақиллик майдони» бекатидан 155-маршрутли такси; «Қўйлиқ бозоридан 117-автобус билан «Тиббий санитария қисми»).
ТЕЛЕФОНЛАР: 90-32-39, 90-32-45.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ТАБОБАТИ УЮШМАСИНИНГ АЪЗОСИ ҚУҚОНЛИК

ҒУФРОНХОН ЭШОН ОТА БАҲОДИРОВ

ДАВОЛАШ СЕАНСЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ.

Асаб ва руҳий касалликлар, бош оғриғи, қулоқ эшитмаслик, кўздаги хасталиклар, рак, ўсма безлар, қизилўнгач, ошқозон, юрак, жигар, буйрак, ўт, қон босим, нафас қисиши, қандли диабет, бел, оёқ ва бўғинлардаги оғриқлар, қўл-оёғи ишламайдиганлар, уйқусизлик, жинсий заифлик, тагини ҳўллаб қўядиганлар, аёллардаги фарзандсизликка ўхшаш касалликлар билан хасталанган беморлар бионур таъсирида дам солингач, дардлардан фориғ бўлишлари мумкин.
МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Қўқон шаҳар, темирйўл вокзали олдидаги Андреев номли клуб.
СЕАНСЛАР 11.00 дан 12.00 гача ЎТКАЗИЛАДИ. ДАМ ОЛИШ КУНИ — ЧОРШАНБА.
Уй манзили: Титов номли кинотеатр олдидаги С Перовский кўчаси. 10-уй.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

Ишлаб чиқариш-техника йўналишидаги молларни қадоқлаш учун 1—1,5 мм қалинликдаги қорамтир картондан ўлчамлари 250x130x130 мм ва ундан кичик бўлган йиғма-ажратма қутиларни;
— майда тақинчоқлар ва дорихона маҳсулотлари учун қалин қоғоз ёки юпқа картондан бир хил рангдаги мўъжазгина ёдгорлик қутичаларини

ТАЙЁРЛАБ БЕРИШ ИМКОНИЯТИГА ЭГА

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 33-84-78, 32-55-41, 32-58-24.
МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри «Правда» газетаси кўчаси, 41-уй, ишлаб чиқариш бўлими.

Электр тармоқларидаги кучланишни бир меъёрда сақлайдиган стабилизатор ТАВСИЯ ҚИЛАДИ
Қуввати — 2,5 ква. 220-11В, тармоқдаги кучланишнинг ўзгариши 160 Вдан 260Вгача.
Телефон: 56-30-71.

Тошкент давлат аграр саноат дорилфунунининг қишлоқ хўжалик мелиорацияси кафедраси бўйича мудир, доцент ва ассистент бўш лавозимлари учун «Ўзбекистон овози» рўзномасининг 28 февраль сонида эълон қилинган танлови
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

• *СПОРТ*

БИРЛАШГАН ЖАМОАДА

● Халқаро олимпиада қўмитасида учрашув бўлиб ўтди. Бу ерга собиқ Иттифоқнинг 12 республикаси вакиллари тўпланишди. Халқаро олимпиада қўмитасининг қарори билан бу республикаларга вақтинчалик аъзо деган мақом берилди.

Ўзбекистон Республикаси миллий олимпиада қўмитаси президенти О. Назиров билан вице-президент С. Рўзиев учрашувда иштирок этди. Ҳозирча Ўзбекистон ҳам Озарбайжон, Арманистон, Белорусь, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Россия, Тожикистон, Туркманистон ва Украинадан иборат 12 республика қатори Халқаро олимпиада қўмитасига вақтинчалик аъзо бўлди.

• *Ажаб савдолар* •

ЯХШИСИ, БАЛИҚДАН СЎРАНГ

Мактабдан қайтган ўғлим сўраб қолди.

— Дада, балиқ қаерда кўп бўлади?

— Дарёда, кўлда, денгизда...

— Билмас экансиз! Мен ҳам сиз айтгандек, ўйлаб юрардим. Ўқитувчимиз ҳам балиқнинг кони қаерда, деб қолдилар. Жавобимизга бош чайқаб, билмасангиз билиб қўйинг, балиқнинг кўпи Чиноз йўлида, дедилар.

Нега балиқ сувда эмас, йўлда кўп бўлади? Ёш болага тайинлик гап айтолмадим.

Сирдарёга борганимда, ўқитувчининг ҳақлигига амин бўлдим.

Чиноз райони орқали ўтадиган катта йўлдан Яллама қишлоғига яқинлашишимиз билан икки тарафда тўп-тўп бўлиб турган одамлар диққатимизни тортди. Катта-кичик тоғора, яшиклардаги ва шундоққина ерга ёйиб қўйилган балиқларни кўриб ҳайрон қолдик. Айримлар ҳатто қанорага ўхшатиб, ёғочни уч айри қилиб, балиқ осиб ташлаган. Бир метрлигидан тортиб бир қаричигача бор. Истаганингиздан хоҳлаганингизча олаверинг. Фақат чўнтак кўтарса бўлгани.

Балиқфурушлар шундай кўпки, уларнинг қатори то Сирдарё кўпригидан ўтиб, «Чеҳра» ресторани яқинигача борган. Бу борада Чиноз бозорини-ку айтмай қўяқолайлик.

— Мана буниси қанча, — сўрайман норғул йигитдан каттагина балиқни кўрсатиб.

— Уч юз эллик, ака... агар олсангиз 50 сўм камайтиришим мумкин.

— Ахир бу қўй эмас-ку, ука. Боз устига ўзинг боқмаган бўлсанг. Инсоф билан-да.

— Э, қўйсангизчи, пул турганда инсоф нима қилади. Балиқни тутишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг устига харажати ҳам бор. Текширувчилари кўп.

Ўзбекистонда нима кўп, кўллар кўп. Сирдарё ва Амударёни қўяверинг. Дарёларнинг суви етган ерлар бўстонга айланган, элимизга ризқ-насиба беряпти. Уларнинг бағридаги ноёб балиқларчи? Бебаҳо хазина. Аммо бу хазинадан палапартиш, инсофсизларча фойдаланиш ноёб жониворларнинг қирилиб кетишига олиб келмайдими?

Ҳар ким хоҳлаган ерида, исталган пайтда дарёга тўр ташлаб, балиқларни қийратаберса, унинг уволи тутмайдими?

Чиноз балиқларининг таъмини жумҳуриятимиздагина эмас, ундан четда ҳам яхши билишади. Бу ердан йил бўйи истаганча балиқ харид қилиш мумкин. Хатто балиқлар кони денгизларда ҳам бундай эмас.

Нега шундай? Бунинг аниқ сабаби назоратнинг йўқлиги. Табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари, ички ишлар органлари ўлкамиз бойлигини асрашга панжа орасидан қарашаётир. Умуман назорат йўқ, деб ҳам бўлмас. Онда-сонда юзаки текширувлар бўлиб туради. Аммо уларнинг самараси билинмаяпти. Балиқфуруш йигит ҳаражати бор, деганда шуларни назарда тутган бўлса ажабмас. Акс ҳолда балиқфурушлик бунчалик илдиз отмасди.

Яқинда Сирдарё ҳавзасида балиқларнинг ёппасига урчиши бошланади. Агар назорат кучайтирилмаса, табиат катта зарар кўриши мумкин. Ўйлаймизки, мутасадди ўртоқлар ўз ишларига масъулият билан ёндошиб, балиқларнинг қирилиб кетишига йўл қўймайдилар. Тартиббузарларга кўрилган чора-тадбирлар ҳақида рўзномага вақти-вақти билан хабар бериб турадилар, деб ўйлаймиз.

К. РИХСИЕВ.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Тошкент Давлат дорилфунуни раҳбарияти жамоа ташкилотлари, гуманитар куллиётлари сиёсий-иқтисод кафедраси жамоаси мазкур кафедра доценти К. Умаровга онаси
Ражаби ая ТОШМАТОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Чет эллардаги ватандошлар билан маданий алоқа боғлаш Ўзбекистон жамияти («Ватан») шу жамият ҳайъати раисининг биринчи ўринбосари
Заҳро РАҲИМБОБОЕВАнинг
вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги жамоаси шахсий нафақахўр
Заҳро Раҳимовна РАҲИМБОБОЕВАнинг
вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекистон овози» рўзномаси таҳририяти жамоаси рўзнома катта мухбири А. Болиевга отаси
Ортиқбой БОЛИЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги меҳнатни ташкил қилиш ва ҳақ тўлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари А. Салимовга падари бузруквори
Ҳожимурод САЛИМОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.
ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно-демократической партии Узбекистана.

● 367.500 нусхада чоп этилмоқда.
Буюртма № Г — 15.
№ 51.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 22.00 Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.